USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI

UNDP
Empowered lives.
Resilient nations.

# «Бизнес юритиш», Контрактлар ижросини таъминлаш – Ўзбекистон

## ва 2019 йилдаги дунёнинг 5 та етакчи давлати

БИЗНЕС ЮРИТИШНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ, ОРТТИРИЛГАН ТАЖРИБА ВА УНИ ЯНАДА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР



**МУАЛЛИФ:**
**Хейке ГРАМКОВ**

**КООРДИНАТОР:**
**Раъно ИСМАИЛОВА**
“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” лойиҳаси
таск менеджери

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тарраққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тарраққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.oliysud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

## Резюме

Мазкур ҳисоботда "Бизнес юритиш — 2019" рейтингида контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича энг юқори натижаларга эришган дунёнинг 5 та давлати жумладан, Австралия, Қозоғистон, Корея Республикаси, Норвегия ва Сигнгапур билан Ўзбекистон кўрсаткичларининг қиёсий шарҳи келтирилган.

Маълумки, контрактлар ижросини таъминлаш оддийлиги Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтинги элементларидан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида қуйидаги учта асосий соҳада суд ишларининг самарадорлигини акс эттиради: тижорат масалалари бўйича суд жараёнларининг қонуний муддатларда ўтказилиши, қиймати ва сифати. Мазкур ҳужжатда "Бизнес юритиш" тадқиқотининг 2014-2019 йиллардаги беш йиллик даврда дунёнинг олтита давлатидаги бу кўрсаткичга тааллуқли тенденциялар, шунингдек, ушбу йўналишда ислоҳ қилиш бўйича уларнинг фаолияти таърифланади. Шунингдек, иқтисодий судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистонга тавсиялар берилади.

"Бизнес юритиш — 2019" маърузаси учун маълумотлар тўплаш 2018 йил май ойида якунланди. Контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон дунёнинг 190 та давлати орасида 41-ўринни эгаллади. Контрактлар ижросини таъминлашнинг учта асосий кўрсаткичидан иккитаси бўйича, яъни контрактлар ижросини таъминлашнинг **Вақт** ва **Қиймат** кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон юқори натижаларни кўрсатмоқда. Бироқ энг юқори натижаларга эришган давлатлар тажрибасига назар ташласак, бу икки кўрсаткични янада яхшилаш имкониятлари мавжудлиги, жумладан, даъво беришнинг бошланғич даврида ва суд хабарларини етказишда, шунингдек, бевосита ҳуқуқни қўллаш жараёни вақтида яхшилаш мумкин эканлиги маълум бўлади.

Аммо бунга қарамай ислоҳ этиш талаб этиладиган асосий соҳалар – бу **Суд жараёнлари сифати индекси** ва **Суд бошқаруви сифати индекси**дан иборатдир. Ушбу икки кўрсаткич ишлар кўриб чиқишни ташкил этишда халқаро эътироф этилган суд амалиётидан, айниқса, илғор тажрибадан фойдаланиш даражасини белгилаб беради. Бугунги кунда бу икки кўрсаткич, чамаси, Ўзбекистонда етарлича ривожлан-

маган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги қарорида қайд этиб ўтилган ислоҳотлар ушбу муҳим соҳаларга қисман таъсир кўрсатади, аммо қарорда қамраб олинмаган қуйидаги соҳалар ишларни кўриб чиқиш жараёнини тегишлича ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга: ишларни кўриб чиқиш жараёнининг барча босқичлари учун оқилона муддат белгилаш, шунингдек, иқтисодий судларда ишларни кўриб чиқиш жараёни самарадорлигини назорат қилиш имконини берадиган бошқа усуллар.

Айтиш керакки, 2019 йил рейтингида контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича юқори ўринларни эгаллаган 5 та давлатда ислоҳотлар асосан автоматлаштиришга қўшимча равишда ишлар кўриб чиқилишини тегишлича ташкил этишни жорий этишга қаратилди. Дунёдаги кўплаб давлатлар тажрибаси мураккабликни самарали юмшатадиган ва ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган вақтни камайтирадиган судларнинг муваффақиятли автоматлаштирилиши ишлар кўриб чиқишни ташкил этишнинг тегишли амалиётини жорий этишни, шу жумладан, бутун жараённи мақбуллаштириш ва муддатлар белгилашни талаб қилади.

Ишларни кўриб чиқишни тегишлича ташкил этиш — бу самарали фаолият кўрсатувчи судлар кечикиш ва харажатни камайтириш мақсадида ўз юкини бошқариш учун фойдаланадиган воситадир, айни пайтда бу даъвогарлар учун қулайлик яратади ҳамда қарорлар қабул қилишда адолат ва очиқ-ошкораликни таъминлайди. Ушбу усулларни жорий этиш шунчаки контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича юқорироқ рейтингга эришишга қаратилган эмас, балки самарали фаолият юритадиган судларни ташкил этишнинг пойдевор ҳисобланади ва барча фойдаланувчининг ягона мақсадидир. Бу ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг барча тармоқлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда асосий ўринни эгаллайди. Ушбу ҳужжатда 2019 йилда контрактлар ижросини таъминлаш соҳасидаги етакчи давлатлар ютуқлари, "Бизнес юритиш" тадқиқоти жамоаларига тақдим этилган уларнинг тегишли ислоҳотлардаги саъй-ҳаракатлари таққосланади ҳамдаЎзбекистон суд тизимидаги жараёнларни кучайтириш учун қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда қўлланиш кўзда тутилган бир қатор тавсиялар баён этилади.

## 1. Кириш ва “Бизнес юритиш” бутунжаҳон рейтингида контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон рейтингининг умумий шарҳи[1]

“Бизнес юритиш” рейтингида контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи биринчи босқич маҳаллий суд орқали тижорат низосини ҳал қилиш, шунингдек, ягона суд амалиётини шакллантиришга сарфланадиган вақт ва харажатларни белгилайди. Бу суд жараёнлари сифати индекси билан ўлчанади, у мамлакат суд тизими сифати ва самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган бир қатор самарали усулларни қабул қилган ёки қабул қилмаганини баҳолайди (“Бизнес юритиш — 2019”, онлайн).

2018 йил май ойида тайёрланган “Бизнес юритиш” маърузасида Ўзбекистон 190 та мамлакат[2] орасида контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича 41-ўринни эгаллади, бизнес юритиш қулайлиги кўрсаткичи эса, 67,26[3]ни ташкил этди (1-расм).

**1-расм: 2019 йилда Ўзбекистон учун “Бизнес юритиш” тадқиқотининг барча мезонлари бўйича рейтинг ва кўрсаткичлар**




[1] Бу ҳисоботдоктор Хейке Грамков томонидан ишлаб чиқилган.

[2] Рейтингга кирадиган ҳар бир мамлакатда контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи учун маълумотлар тўпламида “Бизнес юритиш” тадқиқоти методологиясида фойдаланиладиган низоларнинг стандарт типига мос келадиган хўжалик низолари билан шуғулланувчи мамлакатнинг бош тижорат марказидаги судларга эътибор қаратилади (батафсилроқ ахборотни 1-иловадан олиш мумкин). Айрим ҳоллардагина, одатда, мамлакат илтимосига кўра ва унинг молиявий кўмагида қўшимча тижорат марказлари қўшилади. Маълумотлар фуқаролик-процессуал кодекслар ва судларнинг фаолиятига доир нормаларни, шунингдек, маҳаллий суд юристлари ва судьялар томонидан тўлдириладиган сўровномаларни ўрганиш орқали тўпланади.

[3] Контрактлар ижросини таъминлаш енгиллиги бўйича мамлакатлар рейтинги уларнинг контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичларини тартибга солиш орқали аниқланади. Кўрсаткич – “Бизнес юритиш” рейтинги маълумотлари тўпламига киритилган ҳар бир индикатор бўйича ўртача арифметик баллардир. Бизнес юритиш осонлигига доир рейтинг ва кўрсаткич таърифи 2-иловада келтирилган.

**Бизнес юритиш – Ўзбекистон кўрсаткичлари бўйича бизнес юритиш енгиллигини баҳолаш**




1-расм: Манба: “Бизнес юритиш — 2019” онлайн-маърузаси, уни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data/exploreeconomies/uzbekistan#

***Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан таққослаганда*** Ўзбекистон рейтингнинг ўртасида, Болгария (42-ўрин) ва Озарбайжон (40-ўрин) каби мамлакатлар билан бирга ва минтақа бўйича 51-ўринни ташкил этувчи ўртача кўрсаткичдан юқорида жойлашган. Қозоғистон (4-ўрин) ва Грузия (8-ўрин) каби Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг айрим мамлакатлари “Бизнес юритиш” тадқиқотининг ушбу кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг етакчи давлатлари орасида жойлашган, Кипр (138-ўрин) ва Қирғизистон Республикаси (131-ўрин) каби бошқа мамлакатлар эса, анча ортда қолмоқда (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал: “Бизнес юритиш — 2019” рейтинги: Контрактлар ижросини таъминлаш–Шарқий Европа ва Марказий Осиё**

| Мамлакат | Рейтинг - Контрактлар ижросини таъминлаш |
|---|---|
| Албания | 98 |
| Арманистон | 24 |
| Озарбайжон | 40 |
| Беларусь | 29 |
| Босния ва Герцеговина | 75 |
| Болгария | 42 |
| Хорватия | 25 |
| Кипр | 138 |
| Грузия | 8 |
| Қозоғистон | 4 |
| Косово | 50 |
| Қирғизистон Республикаси | 131 |

| Мамлакат | Рейтинг - Контрактлар ижросини таъминлаш |
|---|---|
| Македония, ЮФР | 37 |
| Молдова | 69 |
| Черногория | 44 |
| Руминия | 17 |
| Россия Федерацияси | 18 |
| Сан-Марино | 82 |
| Сербия | 65 |
| Тожикистон | 61 |
| Туркия | 19 |
| Украина | 57 |
| **Ўзбекистон** | **41** |

Манба: “Бизнес юритиш — 2019” тадқиқотининг тарихий маълумотлари,уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

***Ўртача даражадан паст даромадларга эга бошқа мамлакатларга нисбатан*** Ўзбекистон яхши натижаларни кўрсатмоқда. “Бизнес юритиш” маърузасида даромад даражаси паст бўлган 47 та давлат орасидан фақат иккита мамлакат, айнан Грузия (8-ўрин) ва Бутан (28-ўрин) юқори баҳога эга ва фақат айримлари Ўзбекистон билан тенглашади, (Кабо-Верде – 45-ўрин, Косово - 50-ўрин). Айни пайтда аксарият мамлакатларнинг рейтинги анча паст (2-жадвалга қаранг). Ўзбекистон даромади даражаси юқори бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатлар кўрсаткичидан (45-ўрин) бироз баланд жойлашган (“Бизнес юритиш — 2019”).

**2-жадвал: “Бизнес юритиш — 2019”: Контрактлар ижросини таъминлаш – даромад даражаси ўртачадан паст бўлган мамлакатлар**

| Мамлакат | Рейтинг – Контрактлар ижросини таъминлаш |
|---|---|
| Ангола | 186 |
| Бангладеш | 189 |
| Бутан | 28 |
| Боливия | 113 |
| Кабо-Верде | 45 |
| Камбожа | 182 |
| Камерун | 166 |
| КонгоРеспубликаси | 155 |
| Кот-д’Ивуар | 106 |
| Жибути | 140 |
| Миср Араб Республикаси | 160 |
| Сальвадор | 109 |
| Свазиленд | 172 |
| Грузия | 8 |
| Гана | 116 |
| Гондурас | 152 |
| Хиндистон | 163 |
| Индонезия | 146 |
| Кения | 88 |
| Кирибати | 120 |
| Косово | 50 |
| Қирғиз Республикаси | 131 |
| Лаос ХДР | 162 |
| Лесото | 95 |
| Мавритания | 72 |

| Мамлакат | Рейтинг – Контрактлар ижросини таъминлаш |
|---|---|
| Микронезия Федератив Штатлари | 184 |
| Молдова | 69 |
| Монголия | 66 |
| Марокаш | 68 |
| Мьянма | 188 |
| Никарагуа | 87 |
| Нигерия | 92 |
| Покистан | 156 |
| Папуа-Янги Гвинея | 173 |
| Филиппин | 151 |
| Сан-Томе ва Принсипи | 185 |
| Соломон ороллари | 156 |
| Шри-Ланка | 164 |
| Судан | 144 |
| Шарқий Тимор | 190 |
| Тунис | 80 |
| Украина | 57 |
| **Ўзбекистон** | **41** |
| Вануату | 136 |
| Вьетнам | 62 |
| Ғарбий қирғоқ ва Ғазо сектори | 123 |
| Замбия | 130 |

Манба: “Бизнес юритиш” тадқиқотининг тарихий маълумотлари, уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

## 1.1. 2019 йилда контрактлар ижросини таъминлаш соҳасида энг яхши 5 та давлат ва Ўзбекистон

"Бизнес юритиш — 2019" маърузасида Сингапур, Корея, Норвегия, Қозоғистон ва Австралия контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича дастлабки 5 та ўринни эгаллайди. Юқори даромадга эга ва ўртача даражадан юқори даромадларга эга 5 та етакчи давлат, бироқ Грузия (8-ўрин) каби мамлакатлар кўрсаткичлари, масалан, ўртачадан паст бўлган даромад даражаси ушбу кўрсаткич билан қамраб олинадиган соҳада шиддатли ислоҳотлар олиб боришга ўз-ўзидан тўсқинлик қилмаслигини кўрсатмоқда.

Контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичини аниқлаш учун фойдаланиладиган учта комплекс кўрсаткич (вақт, қиймат ва жараён сифати) таққосланиши етакчи мамлакатлар энг яхши кўрсаткичларга эга эканлиги ва Ўзбекистон келгусида ислоҳотларни амалга оширишда асосий эътиборни нималарга қаратиши зарурлиги ҳақида етарлича тасаввур беради (3-жадвалга қаранг).

**3-жадвал: контрактлар ижросини таъминлаш соҳасида 2019 йилдаги 5 та етакчи давлат ва Ўзбекистон**

| Мамлакат | Контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи | Контрактлар ижросини таъминлаш рейтинги | Умумий муддат (кунлар) | Қиймат (даъво суммасининг %) | Суд жараёнлари сифати индекси |
|---|---|---|---|---|---|
| **Минтақа** | | | | | |
| Даромад даражаси юқори бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти | 67.65 | 45 | 582.4 | 21.2 | 11.5 |
| Европа ва Марказий Осиё | 65.65 | 51 | 496.3 | 26.3 | 10.3 |
| **Мамлакат** | | | | | |
| Сингапур | 84.53 | 1 | 164 | 25.8 | 15.5 |
| Корея Республикаси | 84.15 | 2 | 290 | 12.7 | 14.5 |
| Норвегия | 81.27 | 3 | 400 | 9.9 | 14.0 |
| Қозоғистон | 81.25 | 4 | 370 | 22.0 | 16.0 |
| Австралия | 79.00 | 5 | 402 | 23.2 | 15.5 |
| **Ўзбекистон** | **67.26** | **41** | **225** | **20.5** | **6.0** |

Манба: «Бизнес юритиш» тадқиқотининг тарихий манбалари, Контрактлар ижросини таъминлаш, уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

Ўзбекистон **контрактлар ижросини таъминлаш вақти бўйича** юқори натижаларни кўрсатмоқда. Сингапур энг юқори кўрсаткичга эга, бироқ икки ўртадаги фарқ кишини таажжубга солади– 61 кун. Бу

ўз навбатида, Ўзбекистонда бу соҳадаги ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Норвегия ***контрактлар ижросини таъминлаш қийматини*** пасайтиришда етакчи давлат ҳисобланади. Ушбу давлатда қиймат даъво қийматининг қарийб 9,9 фоизини ташкил этади. Кейинги ўринда эса, 12,7% кўрсаткичга эга Корея туради. Қолган барча етакчи давлатларда бу кўрсаткич 22 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бу эса, Ўзбектстондаги қиймат кўрсаткичидан (20,5%) юқорироқдир. Қуйида 2018 йилда Ўзбекистонда бож тўловларини пасайиши тўғрисида батафсилроқ фикр юритилади. Бу эса, судларга мурожаат қилиш имкониятини оширади ва “Бизнес юритиш — 2020” маърузасида мамлакатимиз рейтингига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Дунёнинг ҳар қандай мамлакати каби Ўзбекистон учун ҳам келгусидаги ислоҳотларда ***Суд жараёнлари сифати индексида*** унинг кўрсаткичи жуда муҳимдир. Ушбу комплекс кўрсаткич бўйича энг юқори балл 18 баллни ташкил этади. Бу натижага рейтингда келтирилган 190 та давлатнинг ҳеч бири эришмаган. Аниқроқ айтганда, 5 та етакчи давлат 14 ёки ундан юқори балларга эга. Қозоғистон эса, 16 балл билан етакчилик қилмоқда. Ўзбекистон бу соҳада бор-йўғи 6 баллга эга бўлди. Бу ўз навбатида, бу борада янада юқорироқ натижага эришиш имконияти мавжуд эканидан далолат беради. (5 та етакчи давлат ва Ўзбекистон учун 2014–2019 йиллардаги “Бизнес юритиш” маърузасида келтирилган ислоҳотлар 3-иловада таърифланган).

Шунингдек, 2014–2019 йиллардаги маълумотлар шарҳи орадан анча вақт ўтганига қарамай 3 та комплекс кўрсаткич бўйича Ўзбекистон рейтинглари жуда оз миқдорда ўзгарганини кўрсатди (4-иловага қаранг). Ҳар бир кўрсаткич ўзига хос мураккаб хусусиятга эга эканлиги боис ўзгаришлар йилдан-йилга ўсиб бормаган, бироқ 5 та етакчи давлат, гарчи улар бир неча йил давомида рейтингнинг юқори ўринларини эгаллаб келаётган бўлса-да, вақт ўтиши билан яхшироқ натижаларни кўрсатди[4]. Узоқ муддат давомида тўпланган маълумотлар-

[4] 3 та асосий комплекс кўрсаткичлардан бири бўйича “Бизнес юритиш” рейтингининг контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичини ўлчаш усули 2016 йилда жиддий равишда ўзгартирилгани ва яхшилангани, яъни ишни ёпиш учун зарур бўлган босқичлар сони ўрнига жорий этилган илғор усуллар сонидан фойдаланиш йўлга қўйилгани боис бундай мезон жорий этилишидан олдинги йиллардаги натижаларни таққослаш қийин. Шу сабабли охирги маърузада фақат энг охирги йиллик рейтинг келтирилади, баъзи мамлакатларда, жумладан, энг юқори рейтингга эга Сингапурда мазкур кўрсаткич бўйича умумий кўрсаткич пасайди. Мамлакатлар бўйича кўрсаткичлар тегишли маълумотлар тўпланадиган ҳар йил учун, яъни 2004 йилдан бошлаб тақдим этилади.

га кўра, етакчи давлатларнинг кўрсаткичлари барқарор ўсмоқда ёки 2016 йилдаги пасайишдан сўнг яна ўсиш суръатлари кузатилди. Аслида 2016 йилдаги пасайиш маълумотларни тўплаш тартибидаги ўзгаришлар туфайли юз берди. Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари 2016 йилгача бироз яхшиланди холос. 2016 йилда бироз пасайди ва шундан сўнг ўзгариш кузатилмади.

### 5 та етакчи давлатда контрактлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар

Энг юқори кўрсаткичларга эришган давлатлар қандай ислоҳотларни амалга оширганини чуқур таҳлил қилиш ва Ўзбекистон уларнинг тажрибасидан фойдаланиши учун дастлаб ушбу давлатлар узоқ давр мобайнида, баъзан йигирма ёки ўттиз йил давомида тизимли, пухта режалаштирилган ва фойдаланувчига мўлжалланган ислоҳотларни амалга оширганига эътибор қаратиш муҳимдир. Судлар фаолияти юксак самарадорлигига эришиш, умуман ҳукумат фаолияти самарадорлигига эришиш каби муайян вақтни талаб қилади, ҳеч қачон ситуатив (вазиятга боғлиқ) бўлмайди ва изчил саъй-ҳаракатни талаб қилади.

Ривожланиш рейтинги юқори давлатларда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар судлар фаолияти самарадорлигини (ёки самарасизлигини) ўз вақтидалиги, қиймати, самарадорликнинг бошқа кўрсаткичлари ва фойдаланувчи учун қулайлиги нуқтаи назаридан мунтазам баҳолашни, ислоҳотларнинг турли вариантларини ва қонунчилик ҳамда норматив базани, муассасалар фаолиятини ва (инсон ҳамда молиявий) салоҳиятни юксалтириш учун қандай ўзгаришлар талаб этилишини кўриб чиқишни, шунингдек, тушунтириш ишларини ўз ичига олди.

Айни дамда муайян даврда амалга оширилган ва келажак учун режалаштирилган ўзгаришлар сони ҳисобга олинса, ушбу ислоҳотларнинг озгинасигина “Бизнес юритиш” тадқиқоти жамоаси эътиборига ўз маърузаларига киритиш учун қўшиб қўйилди. 2005 йилдан бошлаб Янги Жанубий Уэльсда, Австралияда амалга оширилган кўплаб фундаментал ислоҳотлар бунинг ёрқин мисоли бўлади. Бу ҳудудда Сиднейнинг хўжалик судлари жойлашган бўлиб, “Бизнес юритиш” маърузаларининг эътибори уларга қаратилди. “Бизнес юритиш” тадқиқотининг очиқ ҳужжатларида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган ҳеч бир саъй-ҳаракат акс этмаган. Гарчи бешта етакчи дав-

латдаги баъзи ислоҳотлар маърузаларга киритилган бўлса-да, бу узоқ давр ичида амалга оширилган ислоҳотларнинг тўлиқ кўриниши эмас. Амалда баъзи давлатларда, жумладан, Австралия, Сингапур ва Жанубий Кореяда ислоҳотларнинг айрим даврлари тўғрисида қисмларга бўлинган маърузалар чоп этилди (Мак Леллан 2010, Малик 2007, Грамков ва Эбейд 2016).

Шу сабабли ушбу давлатларда амалга оширилган ислоҳотларнинг тўлиқ шарҳини ўтказиш, (фақат бундан "Бизнес юритиш" тадқиқоти жамоаларига хабар қилинган ислоҳотлар мустасно), мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган вазифа бўлиб, ушбу ҳисобот доирасидан четга чиқиш талаб этилади. Аммо бунга қарамай, ушбу ҳисобот доирасида имкон қадар тўлиқроқ маълумотларни қамраб олиш учун ислоҳотларнинг бошқа соҳалари ҳам киритилди.

Яхшиямки, бугун дунёда кўплаб давлатлар суд тизимини ислоҳ қилмоқда. Бу борадаги муваффақият ва муваффақиятсизликлар тўғрисида ахборот олиш, бу тажрибадан ўз эҳтиёжлари ҳамда фойдаланувчилар эҳтиёжларига жавоб берадиган ислоҳотлар стратегияларини ишлаб чиқиш учун уларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Жаҳондаги барча етакчи судлар бошқа судлар билан доимий мулоқотда бўлади ва тажриба алмашади. Уларнинг барчаси Халқаро суд бошқаруви уюшмаси ва Судни такомиллаштириш масалалари бўйича халқаро консорциум каби суд бошқаруви бўйича халқаро суд ташкилотлари ва суд бошқаруви бўйича ташкилотларнинг фаол аъзолари ҳисобланади ҳамда уларнинг тажрибаси ва янги лойиҳалари тўғрисида маълумот олиш учун бошқа судлар билан фаол ҳамкорлик қилади.

Мурожаат этувчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида ўз фаолияти ва профессионализми даражасини юксалтирган дунёдаги судларнинг 30 йилдан ортиқ тарихига назар ташлансак, бир қатор ижобий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Биринчидан, барча ўзгаришларнинг марказида суд бошқаруви туради;
- Иккинчидан, автоматлаштириш муҳим, бироқ бу суд самарадорлигини ошириш учун восита холос;
- Учинчидан, суд ходимлари, судьялар, маъмурият ходимлари ва судлардан фойдаланувчилар ўзгаришлар двигателлари ва ушбу ўзгаришлар учун ахборот манбаи бўлиши керак.

Дунёнинг 5 та етакчи давлати судларида муайян давр давомида кўплаб пухта режалаштирилган ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу давлатлар томонидан сўнгги 5 йилда амалга оширилган ислоҳотлар рўйхати “Бизнес юритиш” маърузасига кўра, 3-иловада келтирилади. Юқорида изоҳланганидек, ўзгаришлар кўп эди ва кейинги бўлимларда биз ушбу ҳисобот доирасида уларни имкон қадар акс эттиришга уриниб кўрдик.

Етакчи давлатлар судларининг муваффақиятини таъминлаган ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, улар “Бизнес юритиш” маърузаси маълумотларини таҳлил қилади, маълумотлар тўплашга тайёрланади, маълумотлар тўпловчи жамоалар билан ҳамкорлик қилади ҳамда “Бизнес юритиш” тадқиқот жамоаси маълумотлар тўплаш жараёнида таклиф қиладиган изоҳ ва ахборотлар учун барча имкониятлардан фойдаланади. Бу Ўзбекистон қайта кўриб чиқиши зарур бўлган тавсиялардан биридир.

Кейинги бўлимда бешта етакчи давлат ва Ўзбекистон ҳар бир кўрсаткичнинг алоҳида компоненти бўйича қандай натижаларга эришаётгани ҳақида батафсил ахборот тақдим этилади. Бу эса, ислоҳотлардаги нуқсонлар ва Ўзбекистон учун имкониятлар ҳақида аниқроқ маълумот беради.

### 1.2. Ижрони таъминлаш вақти

Аввал қайд этилганидек, Ўзбекистон умуман олганда, ***контрактлар ижросини таъминлаш вақти*** бўйича яхши натижаларга эришмоқда. Бироқ ушбу компонентнинг батафсил таҳлили ҳар бир йирик суд ва ҳуқуқни қўллаш жараёни учун кўрсаткичларни яхшилаш имконияти ҳали мавжуд эканини кўрсатмоқда. Ушбу комплекс индикатор ишни кўришнинг қуйидаги учта асосий босқичи учун одатда талаб қилинадиган вақтни ўлчайди:

1. Даъво беришдан бошлаб суд хабарлари топширилгунга қадар;
2. Ишни кўриб чиқишдан бошлаб (яъни суд хабарлари топширилганидан сўнг) суд қарори чиқарилгунга қадар;
3. Суд қарори чиқарилишидан бошлаб узил-кесил ижро этилгунга қадар (ҳар бир элементга киритилган босқичлар тўғрисида батафсил ахборот олиш учун 1-иловага қаранг)

### *Ижрони таъминлаш вақтининг илк таркибий қисми: даъво беришдан бошлаб суд хабарлари топширилгунга қадар*

4-жадвалда кўрсатилганидек, бу борада Сингапур етакчи ўринни эгаллайди, чунки ушбу давлатда даъво бериш ва суд хабарларини топшириш учун атиги 6 кун талаб этилади. Қулай қонун ҳужжатлари, ўта тартибга солинган суд жараёнларини жорий этишга доир суд қоидалари ва институционал ўзгаришлар, суд ичида ва жараённинг икки томони учун деярли барча жараёнларнинг электрон шаклга ўтказилганлиги бундай юксак натижага олиб келди.

Таққослаш учун: Норвегияда ушбу босқич учун 40 кун кетади. Норвегияда бу жараён узоқроқ давом этишининг асосий сабабларидан бири шундаки, фуқаролик (ва иқтисодий) ишларда томонлар суд медиацияси (яраштируви) орқали низони ҳал этишга интилиши керак. Бу эса даъво қиймати пастроқ бўлган ишларда, агар томонлар мустақил битимга кела олмаса, Яраштирув комиссияси ҳузурида эшитиш бўлиб ўтади [5]. Гарчи у ушбу босқични якунлаш учун вақтни чўзса-да, у ижобий амалиётдир, чунки у харажатларни, суддаги умумий вақтни камайтиради ва кўпинча расмий суд тадбирлари билан боғлиқ асабийлик даражасини пасайтиради, бу эса, кўпчилик кишилар учун муҳимдир ва айниқса, иш юзасидан муносабатларни сақлаб қолиш учун муҳимдир.

Шундай қилиб, маърузага кўра, Ўзбекистонда бу жараён учун талаб қилинадиган 30 кун (“Бизнес юритиш — 2019”) ниҳоятда кўп муддат ҳисобланмайди. Аммо бу муддат узоқ истиқболда, агар нафақат судлар, балки жараённинг потенциал томонлари, айниқса, юристлар ва бизнес эгалари электрон шаклда даъволар берса ва суд хабарларини олса, камайтирилиши мумкин. Қонунларда бундай электрон жараёнлар (яъни электрон имзолар, электрон ҳужжат олганликни тасдиқлаш) қўллаб-қувватланиши ва суд хабарларини юридик етказиб бериш қоидаларига тузатишлар киритилиши (Грамков ва Эбейд, 2016) муҳимдир.

Дунёнинг бешта етакчи давлатида электрон шаклда иш материалларини тўплаш, ҳужжатларни электрон етказиб бериш ва электрон имзоларни

---

5 Батафсилроқ ахборот Норвегия судларининг қуйидаги манзилдаги веб-сайтида мавжуд: https://www.domstol.no/en/Civil-case/

қабул қилиш имкониятини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларига ва суд қоидаларига ўзгартиришлар киритилди. Қуйида таърифланганидек, суд хабарларини электрон тарзда етказиб беришни тасдиқлаш билан боғлиқ бир қатор ўзига хос ҳуқуқий масалаларни ўз ичига олади. Бу кўпчилик мамлакатларга, шу жумладан, етакчи мамлакатларга, масалан, Австралия ва Қозоғистонга суд хабарларининг электрон етказиб берилишига рухсат бериш имконини бермас эди. Барча етакчи давлатларда қонунлар ва қоидалар ҳужжатларни қайта ишлашга қўйилган талабларни соддалаштириш мақсадида тузатилди, шунингдек, зарур институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Шу билан бирга параллел равишда нафақат ишларни электрон шаклда қабул қилиш, балки ишни қабул қилиш босқичида олинган маълумотларни суд жараёнининг барча босқичларига ўтказишни таъминлаш имконини берадиган жараённинг автоматлашуви жорий этилди. Автоматлашув маълумотлар киритилишини камайтириш, турли суд шакллари ва хабарлари, эслатмаларга эга ҳар хил суд тақсимотлари яратиш ва ишларни бошқариш бўйича турли ҳисоботларни қайта яратиш имконини беради. Ушбу ҳисоботлардан суднинг айрим ходимлари, судьялар, суд статистлари, суд маъмурлари, суд раҳбарияти фойдаланиши мумкин, шунингдек, улардан бошқа давлат органлари ва суд ҳисоботлари учун фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ишлаб чиқилган йўл харитасида фуқаролик ишлари кўриб чиқишни соддалаштиришга оид бир нечта бандлар (жумладан, 42, 43-бандлар) келтирилган, бироқ ўрта муддатли истиқболда қуйидаги тавсиялар бўлимида баён этилган бир қатор бошқа чоралар кўрилиши мумкин.

### ***Ижрони таъминлаш вақтининг иккинчи таркибий қисми:ишни кўриб чиқишдан бошлаб суд қарори чиқарилгунга қадар***

Ишни кўриб чиқишдан бошлаб, суд қарори чиқарилгунга қадар давом этадиган вақт ҳақида сўз борганда, Ўзбекистон бор-йўғи 90 кунлик кўрсаткич билан биринчи ўринни эгаллайди. Ҳатто рейтинг етакчиси Сингапурда ҳам бу босқич ўртача 118 кун давом этади. Бу жуда юксак натижа ва афтидан, ҳеч нарсани ўзгартириш шарт эмас. Айни вақтда

нафақат ўзининг паст натижалари сабабларини, балки нима учун муайян соҳаларда муваффақият қозонганини доим таҳлил қиладиган етакчи мамлакатлар тажрибасини ўзлаштириб, узоқ муддатли истиқболда ниманидир бошқача бажариш мумкин эканини ўрганиш лозим. Хўжалик ишлари ҳатто “Бизнес юритиш” маърузасида ўлчаш учун фойдаланиладиган оддий типдаги ишлар бўлса ҳам мураккаб бўлиши мумкин. Бу босқич бутун диққат-эътиборни қаратиш талаб этиладиган устувор соҳа ҳисобланмайди, чунки натижа аллақачон яхши, бироқ у натижа шунчаки яхши ёки у ажойибми ёки аксинча, эканлигини текшириш учун яхши мисол бўлиб хизмат қилади. Бериш зарур бўлган биринчи савол шундан иборат: “бу ишларнинг барчаси суд томонидан 90 кун ичида тўлиқ кўриб чиқиляптими ёки уларнинг аксарияти рад этилиб, такроран бериш учун жўнатилдими?”. Сербия ва Мўғилистон тажрибаси кўрсатишича, ушбу мамлакатларда ушбу муддатнинг қисқа экани сабабларидан бири шуки, судьялар, агар суд ёки томонларнинг судга тайёргарлик кўриш учун зарур вақти бўлмаса, ишни кўриб чиқишни қолдириш ўрнига уни рад этиши мумкин. Гарчи тайёргарлик етарли бўлмагани учун ишни кўриб чиқишни қолдириш уни кечиктириш учун асосий сабаб бўлмай, бунга камдан-кам ҳолларда рухсат берилиши керак бўлса-да, айрим типдаги ишларни кўриб чиқишга кўпроқ вақт талаб этилади. Агар ишни кўриб чиқишни муддатидан кечиктириш тўғрисидаги қарор ёзиб қўйилган стандарт қоидаларга асосланган бўлса ва сабаблар талаб даражасида ҳужжатлаштирилган бўлса, ҳатто суд ходимлари етишмаслиги ҳам кечиктириш учун мақбул асос бўлиши мумкин. Агар ўзига хос ҳолатларни ҳисобга олиш қоидалари мавжуд бўлмаса, тайёргарлик етарли бўлмагани учун ишларни кўриб чиқишни жуда кўп марта муддатидан кечиктириш, одатда, судда даъволар сонининг ошишига сабаб бўлади, чунки бу даъволар яна берилади, бу эса, томонларнинг норозилигини кучайтиради. Жавоб бериш мушкул бўлган ва хўжалик ишлари бўйича юристлар ҳамда барча бизнес-ҳамжамият билан алоқалар талаб қиладиган бошқа савол қуйидагичадир: “Одамлар судларга ишонадими ва даъволарни кўриб чиқиш учун берадими?”. Агар судга гоҳида ёки камроқ низоли масалалар билан мурожаат қилишса, ишонч йўқлиги, ҳатто жараёнларни тушунмаслик ёки жараён қиммат туришидан қўрқиш бунинг сабаби бўлиши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бу ўрганиш учун устувор масала ҳисобланмайди, балки рейтинги юқори судлар ўз фаолиятининг турли жиҳатларини яхшилаш мақсадида уларни доим кўриб чиқиши ҳақида эслатмадир.

## *Ижрони таъминлаш вақтининг учинчи таркибий қисми: Суд қарори ижросини таъминлаш*

Бу соҳада Ўзбекистон бешта етакчи давлатга нисбатан яхши натижаларни кўрсатмоқда. Ўртача иш бўйича қарор ижроси учун 105 кун талаб этилади ва бу кўрсаткич Қозоғистон ва Корея кўрсаткичларидан яхшироқ. Бироқ бу натижа Сингапур (40 кун), Норвегия (60 кун) ва Австралиядагидек (60 кун) яхши эмас. Бу эса, ушбу жараённи янада яхшилаш имконияти мавжуд эканини англатади. Бу жараён аксарияти давлатларга нисбатан тезроқ бажарилаётгани ҳисобга олинса, бу соҳа устувор ҳисобланмайди, бироқ уни суд маълумотларини тўплаш тизимини ривожлантириш ва ишларни кўриб чиқиш бўйича тадбирларнинг кенгроқ кўлами сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу тадбирлар ўз навбатида, ислоҳ қилишга доир барча тадбирларга таъсир кўрсатиши зарур ва келгусида судларнинг ўз фаолиятини яхшироқ бошқариш қобилиятини таъминлаш учун муҳимдир. Қайд этиш лозимки, Сингапур, Норвегия ва Австралияда суд қарорларини ижро этиш тизими жиддий фарқ қилади. Бу тизимнинг типи эмас, балки унинг муайян мамлакат муҳитига мослиги муваффақиятнинг калити эканидан дарак беради (1-қўшимчага қаранг).

**1-қўшимча:** Учта етакчи мамлакатлар мазкур субиндекс бўйича фуқаролик ишларига доир суд қарорлари ижроси тизимлари типлари.

**Сингапур:** Сингапурда фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари ижросига доир барча ҳаракатлар билан суд назоратчилари шуғулланади. (Қаранг. https://www.statecourts.gov.sg/cws/CivilCase/Pages/BailiffsSection.aspx)

**Норвегия:** Кўпчилик шаҳарларда фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари ижроси учун хусусий суд ижрочилари жавоб беради, қишлоқ жойларда эса, полиция фуқаролик ишлари бўйича ижро этувчи орган ҳисобланади. (Қаранг: http://www.nyinorge.no/en/Ny-i-Norge-velg-sprak/New-in-Norway/Transport-and-services/Bank-services/Debt/)

**Австралия, Янги Жанубий Уэльс:** Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари ижроси маҳаллий ижро этувчи хизмат орқали ўтказилади (офис шерифа). (Қаранг: https://legalvision.com.au/how-can-i-enforce-a-judgment-debt-in-new-south-wales/

***Қисқа муддатли тавсиялар:*** мадомики, Ўзбекистонда қарорлар ижросини таъминлашнинг барча учта жиҳати билан боғлиқ вазият умуман олганда, яхши экан, бу соҳага зудлик билан аралашиш талаб қилин-

майди. Бироқ нафақат жараёнларни тезлаштиришга қаратилган бўлажак ўзгаришларни, балки ислоҳотларнинг бошқа йўналишларини, айниқса, автоматлаштириш соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, қонунчилик ва суд нормалари тизими электрон шаклдаги жараёнларни қўллаб-қувватлаши (яъни электрон имзолар, ҳужжатлар олишни электрон тасдиқлаш, қоғоздаги шакллар ўрнига электрон шакллардан фойдаланиш) ҳамда суд хабарларини ҳеч бўлмаса, юристлар ва корхоналар учун электрон етказиб бериш имконини бериши учун ушбу тизимни қайта кўрб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

***Ўрта муддатли тавсиялар:*** Норвегия мисолида айтганда, ишни қайта кўришнинг айрим босқичлари юзасидан яхши кўрсаткичларга эга айрим судларда бир қарашда зарур бўлгандан кўпроқ вақт талаб этилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундай вазият сабабини кўриб чиқаётиб, қўшимча вақтни талаб қиладиган бошқа муваффақиятли амалиётлар киритилганини тезда англаб етиш мумкин. Бу жуда қисқа муддатлар ўз-ўзидан ҳар доим ҳам жуда яхши иш кўрсаткичи бўлавермаслиги ва ягона мақсад эмаслигини кўрсатмоқда. Мақсад — алоҳида ҳолатларга ва истиснолар учун аниқ қоидаларга бўлган эҳтиёжларга асосланган ўзгарувчанликни таклиф қилишдан иборатдир. Мадомики, вақтнинг умумий кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг натижаси яхши экан, қисқа муддатли истиқболда бу кўрсаткичга эътибор қаратиш зарурати йўқ. Аниқроғи, қуйида таърифланганидек, суд ишини яхшилаш учун ишнинг қайси типи (яъни оддий, ўртача, мураккаб хўжалик ишлари, ишларнинг муайян типлари) ёки томонлар учун қайта ишлаш учун кўпроқ вақт талаб этилишини ва нима учун талаб этилишини аниқлаш мақсадида бир неча йил кўриб чиқиладиган ишлар бўйича маълумотларни тўплаш ва доимо таҳлил қилиб бориш зарур. Бундай ахборотдан сўнг ишларнинг ҳар хил типлари учун ҳар бир базавий босқичнинг асосли давом этишини аниқлашда ва ишларни қайта кўриш чиқишга бўлган турли эҳтиёжларни қондириш учун вариантларни ишлаб чиқишда фойдаланилиш мумкин.

Бешта етакчи давлатнинг аксарияти айнан шундай йўл тутишади. Уларнинг ишларни бошқаришни автоматлаштирилган тизимлари ўз таҳлилий ҳисоботлари учун шундай маълумотларни тўплашга мўлжалланган. Кейинчалик эса, улар суд раҳбарияти томонидан батафсил

кўриб чиқилади. Шунингдек, ушбу мамлакатларда статистика бўлими мавжуд бўлиб, бу бўлим ҳисоботларни мунтазам таҳлил қилади ва суд раҳбариятига тақдим этиш учун ўз хулосаларини умумлаштиради.

Биринчи вақтинчалик босқич, яъни *даъво беришдан бошлаб суд хабарлари топширилгунга қадар* бўлган босқич – бу юксак даражада яхшилаш талаб этиладиган соҳа бўлиб, унда ўртача муддатли истиқболда жараён ва ўзгаришни таҳлил қилиш маълумотларни тўплаш бўйича суд жараёни ва саъй-ҳаракатлари умумий баҳосининг бир қисми сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

*Ишни кўриб чиқишдан бошлаб суд қарори қабул қилгунгача* бўлган давр учун кечиктириш ва рад этишнинг қонунийлигини яхшироқ тушуниш учун кўп йиллик маълумотларни шакллантириш ва тўплаш ҳамда ишларнинг асосий типлари учун қайта ишлаш базавий босқичларининг асосли муддатини аниқлашга ва кечиктириш учун аниқ қоидалар яратишга таъсир кўрсатиш фойдадан холи бўлмасди. Бу қоидаларга риоя этишни ва, зарур бўлса, уларни тузатишни таъминлаш учун узоқ вақт давомида самарали фаолият юритган судлар, масалан, Сингапур ва Кореядаги судлар шакллантирган ва кузатишда давом этаётган маълумот муҳим манба ҳисобланади. Бу зудлик билан эътибор қаратиш талаб этилган соҳа эмас, чунки Ўзбекистон ушбу субиндекс бўйича яхши натижалар кўрсатмоқда, бироқ уни барча суд жараёнларининг умумийроқ шарҳига киритиш зарур. Бу қайта ишлашнинг барча соҳаларини ва суд операцияларини ислоҳ қилишга кўмаклашади.

*Суд қароридан уни ижро этишгача бўлган* давр, одатда, кўпинча суд назоратида бўлмаган кўпчилик омилларга боғлиқ, бунда айниқса, ижро этиш ҳаракатлари амалда судга алоқаси бўлмаган субъектлар томонидан бажарилади. Ижро этувчи хизмат ходимлари самарадорлиги, мол-мулкдан фойдаланиш, уни ҳимоя қилиш ва пировардида, хатлаш қоидалари, ким ошди савдоларида сотиш усуллари ва, табиийки, ютқазган томоннинг амалда тўлаш қобилияти самарали жараёнлардан ташқари эътибор қаратиш зарур бўлган муҳим соҳалар ҳисобланади. Буларнинг барчаси муайян мамлакатга дахлдор ва ҳуқуқни қўллаш самарасизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш нафақат жараёнларни батафсилроқ таҳлил қилишни, балки ҳуқуқни самарали ва муваффақиятли қўллашга тўсқинлик қиладиган муаммолар типларини аниқлашни талаб қилади. Аслида буларни чуқур таҳлил этмай ту-

риб, бу соҳадаги ўзгаришлар юзасидан зарур тавсиялар тақдим этишнинг имкони йўқ. Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги бир қатор давлатларда (масалан, Болгария ва Эстония) хусусий суд назоратчилари институти жорий этилгани туфайли муваффақият қозонди, бироқ барча давлатлар ҳам (масалан, Македония ва Украина) турли сабабларга кўра, муваффақиятга эришмади. Аввал қайд этилганидек, муваффақият, омадсизлик ва бундай вариант нечоғлик самара бериши кўп жиҳатдан мамлакатдаги бошқа бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Бу шарт-шароитларни бундай вариантни қўллашдан олдин ҳисобга олиш ва яхши тушуниш зарур (қаранг: Грамков 2014). Бу нуқтаи назардан Қозоғистон 2011 йилда хусусий суд ижрочилари институтини жорий этгани қизиқиш уйғотади[6]. Бу жараён 2016 йилда янада соддалаштирилди, қонуннинг амалда ижро этилиши 2017 йилгача чўзилди, бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки бу жиддий ўзгаришдир. Бу қадам бирор-бир соҳага ижобий кўрсатдими-йўқми, ҳали ҳам номаълум, бироқ ҳуқуқни қўллаш даври узоқ давом этиши ўша вақтда танлаган модель кутилганидек фойдали эмаслигини кўрсатмоқда. Ушбу жиддий ўзгаришлар жараёнлар муддатини камайтиришга таъсир кўрсатиш учун кўп вақтни талаб этиши ҳам мумкин. Буни яқин йилларда кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан Норвегия тажрибаси Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин, чунки ушбу давлат хусусий ва давлат ижро хизматлари ўртасида аралаш ёндашувни танлади, бунда аҳоли унча зич бўлмаган ва умуман унчалик бой бўлмаган қишлоқ жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқни қўллаш билан полиция шуғулланади. Кўплаб қишлоқ туманларига эга Ўзбекистондек мамлакат учун Норвегия тажрибаси айниқса, фойдали бўлиши мумкин.

***Узоқ муддатли тавсиялар:*** Ўрта муддатли истиқболда амалга ошириш кўзда тутилган тадбирлар суд ишларини доимо кузатиб бориш учун уларнинг салоҳиятини шакллантириш, тузатишлар киритиш зарурати тўғрисида хабардор қилиш, автоматлаштириш бўйича жорий тадбирларни бошқариш ва келажакда қонун ҳужжатларига ўзгартиш киритиш заруратидан хабардор қилиш учун мустаҳкам асос бўлади. Судьялар ва суд аппарати ходимларидан, шу жумладан, АТ мутахассислари ва статистлардан иборат доимий ишчи гуруҳи бу саъй-ҳаракатларни бошқариши керак. Бунда хусусий юристлар, иш доиралари

[6] Қаранг. Union Internationale de Huissiers de Justice онлайн по адресу: https://www.uihj.com/en/new-act-on-the-creation-of-liberal-enforcement-agents-in-kazakhstan_2152057.html

вакиллари ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжи, салоҳияти ва тажрибасини аниқлаш учун улар вақти-вақти билан иштирок этадиган тадбирларни киритиш керак. Судьялар ва суд аппарати ходимлари учун доимий ўқув дастурларини яратиш зарур. Бу уларга ишларни бошқариш усулларини қўллаш, ишларни юритиш бўйича ҳисоботлардан фойдаланиш ва ишчи гуруҳи билан мунтазам алоқани таъминлаш имконини беради. Шунга ўхшаш тарзда хусусий юристлар, ишбилармонлар доиралари вакиллари ва истеъмолчиларни мунтазам жалб қилиш ва судларни ислоҳ қилишга доир саъй-ҳаракатлардан хабардор қилиш мақсадида улар учун мунтазам ахборот бериш ва тушунтиришга оид тадбирларни ишлаб чиқиш зарур. Сингапур ва Кореядаги судлар тажрибаси иккала соҳада ҳам фойдали бўлиши мумкин.

**4-жадвал: Контрактлар ижросини таъминлаш вақти 2019, Етакчи мамлакатлар ва Ўзбекистон**

| Мамлакат | Рейтинг | Умумий муддат (кунлар) | Даъво беришдан бошлаб суд хабарлари топширилгунгача бўлган вақт (кун) | Ишни кўриб чиқишдан бошлаб суд қарори чиқарилгунга қадар бўлган вақт (кунлар) | Суд қарорини ижро этиш вақти (кунлар) |
|---|---|---|---|---|---|
| Австралия | 5 | 402 | 14 | 328 | 60 |
| Қозоғистон | 4 | 370 | 15 | 135 | 220 |
| Корея Республикаси | 2 | 290 | 20 | 150 | 120 |
| Норвегия | 3 | 400 | 40 | 300 | 60 |
| Сингапур | 1 | 164 | 6 | 118 | 40 |
| **Ўзбекистон** | **41** | **225** | **30** | **90** | **105** |

Манба: "Бизнес юритиш" тадқиқотининг тарихий манбалари, Контрактлар ижросини таъминлаш, уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

## 1.3. Суд қарорлари ижроси учун харажатлар

Контрактлар ижросини таъминлаш учун харажатлар кўрсаткичи қуйидаги 3 та муҳим компонентни ўз ичига олади: 1. Адвокатларни тақдирлаш. 2. Суд йиғимлари. 3. Ижро йиғимлари.

*Адвокатларни тақдирлашдан иборат харажатларнинг биринчи компоненти,* одатда, ҳар бир мамлакатда энг қиммат фаолият ҳисобланади ва, қоида тариқасида, давлат томонидан тартибга солиш учун энг мураккаб ҳисобланади. Ўзбекистонда бу харажатлар даъволар қийматининг 15 фоизига етади. Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича харажатлар атиги 8 фоизни ташкил этадиган етакчи давлат Норвегия ва адокат учун харажатлар юқори даражага – 20,9 фоизга етадиган Сингапур ўртасида жойлашган (5-жадвалга қаранг).

Бу соҳадаги харажатларни камайтиришга доир тавсиялар адвокатлар хизматларига ҳақ тўлаш қоидаларини, шунингдек, томонлар одатда қандай тақдим этилишини батафсилроқ кўриб чиқишни талаб қилади. Айрим мамлакатларда, масалан, Германияда адвокатларни тақдирлаш қонун билан белгиланади ҳамда талаб қилинган фаолият турини ва даъво қийматини инобатга ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Ҳозирги вақтда адвокатлар хизматлари қийматининг онлайн-калькулятори Герма-

**Норвегияда адвокатларни тақдирлашни назорат қилиш:**

Самарали суд жараёнлари, тартиб-таомиллар мураккаблигини камайтириш ва суд медиациясига кучли эътибор бериш адвокатлар ишга сарфлайдиган вақтни чеклашга жиддий таъсир кўрсатади. Норвегияда исталган юридик масалаларни кўриб чиқишга тўланадиган ҳақ мижоз билан тузилган шартномада келишиб олинади. Гарчи айрим юридик ҳаракатлар ва ишлар типлари учун аниқ белгиланган тарифлар мавжуд бўлса-да. норвегиялик юристлар одатда соатига ҳақ олади, соатбай ставка эса, юридик фирмага боғлиқ. Адвокатга бериладиган мукофот пули ҳажми судда суд мажлиси жараёнида эълон қилиниши керак ва томонлар суднинг қарорида кейин бир ой давомида тўланиши керак бўлган асослантирилган мукофот пулини белгилаш ҳақидаги илтимос билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда суд ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани, шунингдек, бошқа ҳолатларни лозим даражада ҳисобга олиши керак (Низолар тўғрисидаги қонун, § 3-8).

Қаранг: Лоранж, қуйидаги манзил бўйича онлайн: https://www.domstol.no/globalassets/upload/da/internett/domstol.no/aktuelt/backer.pdf

нияда томонларга адвокатга мурожаат қилишдан олдин потенциал харажатлар қанча бўлишини кўриш имконини беради (қаранг: www.smart-rechner.de). Бу адвокатга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имкониятини кўриб чиқаётганлар учун қарор қабул қилиш жараёнини енгиллаштириш билан бирга адвокат хизматларига ҳақ тўлашда харажатлар шаффофлиги ва очиқлигини ҳам таъминлайди. Айрим мамлакатларда, масалан, Сербияда адвокатлар якка тартибдаги фаолият учун ҳақ олади, бу эса, уларни ишни тезроқ ҳал қилишга унчалик рағбатлантирмайди. Бундан ташқари адвокатлар Сербияда кўпинча суд жараёнининг фақат бир қисми билан шуғулланади. Қоида тариқасида, бу суд бепул адвокатларни тайинлаганда юз беради. Натижада томонлар бир нечта юрист билан айни бир масала хусусида бир неча марта маслаҳалашишига тўғри келади. Шунинг учун муайян ишни кўриб чиқишнинг ҳеч бир аниқ стратегияси пайдо бўлмайди ёки у амалга оширилмайди. Шундай қилиб, самарасизлик тайёрлов вақти ошишига, ҳаракатлар такрорланишига ва охир-оқибат харажатлар миқдори ошиб кетишига олиб келади. Аслида бу ҳукумат муайян вазиятни ўрганиб, суд ва хусусий адвокатлар уюшмаси билан маслаҳатлашгач, эътибор қаратиши зарур бўлган соҳалардир.

Норвегияда жараёнларнинг мураккаблигини, вақт ва харажатларни, шу жумладан, адвокат хизматлари қийматини камайтириш мақсадида амалга оширилган кўламли ислоҳотларнинг умумий самараси барча "ислоҳотлар" ёки фаолиятнинг турли соҳаларидаги ўзгаришлар узоқ муддатли ўзгаришларнинг тизимли, батафсил ўрганилган ва асосланган жараёнларининг бир қисми бўлиши зарур эканини кўрсатмоқда. 2005 йилда фуқаролик (шу жумладан, хўжалик) ҳуқуқини тубдан ислоҳ қилишда Норвегия суд медиациясини илгари суришга, ҳатто талаб қилишга, юридик ва тартиб-таомиллар мураккаблигини камайтиришга, ишларни тегишлича бошқариш принципларини жорий этишга тизимли ёндашишни маъқул кўрди. Бу судьяга жараённи назорат қилиш ва фойдаланувчилардан олинган ахборотга асосланган тизимли автоматлаштириш имконини беради.

Даъво қиймати паст бўлган оддий ишлар бўйича адвокат ёллашни чеклаш, судда ўз номидан мустақил қатнашувчи даъвогарлар учун ёрдам кўрсатилиши ва мақбуллаштирилган, автоматлаштирилган суд жараёнлари – буларнинг барчаси адвокат учун сарфланадиган суд билан боғлиқ харажатларни оқилона даражагача камайтиради, бу ху-

сусий адвокатлар ҳайъати учун мақбул бўлади ва томонлар учун ушбу харажатларни камайтиришнинг маъқул усули ҳисобланади.

Ўлчаниши талаб этилган иккинчи соҳа – *суд харажатларидир*. Бешта етакчи давлатга нисбатан Ўзбекистонда бу соҳадаги вазият умуман олганда яхши. Бу борадаги харажатлар даъво суммасининг 3,5 фоизини ташкил этиб, етакчи мамлакатларнинг тўрттасидаги суд йиғимларига ўхшайди. Энг паст суд харажатлари Норвегияда қайд этилиб, улар даъво қийматининг атиги 1,3 фоизини ташкил этади. Яхши йўлга қўйилган жараёнлар, автоматлаштириш ва имкон бўлган жойда харажатларни чеклашга қаратилган суд фалсафаси бундай натижани қўлга киритишга асос бўлди. 2018 йил охирига келиб, Ўзбекистонда суд харажатлари янада камайтирилди, бу эса, "Бизнес юритиш — 2020" маърузасида ижобий акс этиши керак[7].

Худди шунингдек, Ўзбекистонда даъволар қийматининг атиги 2 фоизини ташкил этган ҳолда ижро жараёларига сарфланадиган харажатлар етакчи мамлакатларнинг кўпчилигидаги харажатлар баҳоси билан тенг (даъво қийматининг 0,2 фоизидан 2,1 фоизигача). Қозоғистонда бу жараёнга сарфланадиган харажатлар анча юқори, яъни даъво қийматининг 10 фоизини ташкил этади. Бу соҳада шунга ўхшаш тарзда тартибга солинган жараёнлар ва автоматлаштириш харажатларнинг камайишига олиб келиши мумкин. Давлат ижро тизимидан хусусий ижро тизимига тўлиқ ўтиш эса, харажатлар камайишига олиб келиши ёки олиб келмаслиги ҳам мумкин. Юқорида қайд этилганидек, Шарқий Европанинг аксарият давлатларида жорий этилган ижро тизимини такомиллаштиришнинг, шунингдек, томонлар учун ижро харажатларини камайтиришнинг энг муваффақиятли усулларидан бири хусусий ижро тизимини жорий этиш саналади. (Грамков 2014). Шунга қарамай, хусусий суд ижрочилари институтини жорий этишга қарор қилган Қозоғистондаги жорий натижалар бу ҳар бир давлатда муваффақият келтирадиган мақбул қарор эмаслигини кўрсатмоқда. Бундай қарор аниқ бир давлатда суд ижроси шартларини олдиндан аниқ баҳолашни ва хусусийлаштиришнинг тўлиқ ёки қисман усулларини талаб қилади. Ижрони муваффақиятли таъминлаш кўрсаткичлари паст бўлмаса-да, бугунги кунда бу тизим Ўзбекистонда қайта кўриб чиқиш ҳамда ислоҳ қилиш учун тавсия этилган соҳа ҳисобланмайди.

[7] Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 963-сон қарорига қаранг.

***Қисқа муддат ва ўртача муддатга мўлжалланган тавсиялар:*** Қисқа муддатли истиқболда адвокатларни тақдирлашни тартибга соладиган нормаларни, шунингдек, адвокатларни тайинлаш қоидалари ва амалиётларини қайта кўриб чиқиш зарур. Адвокатларни тақдирлаш даъво суммасиниг кўпи билан 8,5 фоизини ташкил этадиган Қозоғистонда бу масалалар қандай қилиб тартибга солингани алоҳида қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон бундан қандай фойдали ахборот олишини тушуниш учун Қозоғистоннинг тегишли қонун ҳужжатлари ва унинг амалда қўлланилишини кўриб чиқиши фойдали бўлиши мумкин. Суд йиғимлари ҳақида сўз борганда, улар қандай тартибда белгиланиши (яъни воқеа, даъво қиймати бўйича) ва суд йиғимларини қисқартириш мумкин эканини билиш фойдали бўлади.

***Ўртача муддатга мўлжалланган тавсиялар:*** тақдирлашни тартибга солувчи нормалар ва адвокатларни тайинлаш амалиётини ўрнатиш натижасида қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ва амалда рўёбга чиқариш бўйича хусусий адвокатлар ҳайъати томонидан маъқулланган таклифлар пайдо бўлиши керак. Барча суд жараёнларини оқилона ташкил этиш, одатда, суд харажатларини оқилона қисқартириш энг муваффақиятли усули ҳисобланади. Бу бутун суд фаолиятини белгиланган тартибда чуқур таҳлил қилишни талаб қиладиган тизим ва ўртача муддатга мўлжалланган тадбир ҳисобланади. Чунки бунинг учун бутун суд жараёни бўйича зарур маълумот ва ахборот тўплаш учун вақт талаб этилади.

***Узоқ муддатга мўлжалланган тавсиялар:*** Узоқ муддатли истиқболда суд харажатлари жараёнларни соддалаштирадиган ва судларга ишни бошқаришнинг илғор амалиётларидан фойдаланиш имконини берадиган авторизация нормаларига мувофиқ ҳолда кўпчилик суд жараёнларининг янада автоматлашувини камайтириши мумкин. Самарали автоматлашув вақтни, жараённи аниқ баҳолашни талаб қилади, автоматлашув жараёнига сарфланадиган харажатлар эса, бошида, одатда, каттадир. Автоматлашув фақат узоқ муддатли истиқболда ва, агар жараёнлар чиндан ҳам, ўзгарган тақдирдагина харажатларнинг камайишига олиб келади. Ўзбекистонда ижро жараёнлари учун харажатлар кўпчилик етакчи мамлакатларга тенг диапазонда жойлашганлиги ҳисобга олинса, бу соҳа устувор ҳисобланмайди ва ижрони

таъминлаш самарадорлигига жараён сифати кўрсаткичини ошириш-га доир тадбирларнинг бир қисми сифатида қаралганда унга эътибор бериш зарур (қуйига қаранг).

**5-жадвал: 2019 йилда суд қарорлари ижросига сарфланадиган харажатлар, Етакчи мамлакатлар ва Ўзбекистон**

| Мамлакат | Рейтинг | Умумий харажатлар (даъво суммасининг %) | Адвокатларни тақдирлаш даъво суммасининг фоизи) | Суд йиғимлари (даъво суммасининг фоизи) | Ижро йиғимлари (даъво суммасининг фоизи) |
|---|---|---|---|---|---|
| Австралия | 5 | 23.2 | 18.5 | 4.5 | 0.2 |
| Казахстан | 4 | 22.0 | 8.5 | 3.5 | 10 |
| Республика Корея | 2 | 12.7 | 9 | 3 | 0.7 |
| Норвегия | 3 | 9.9 | 8 | 1.3 | 0.6 |
| Сингапур | 1 | 25.8 | 20.9 | 2.8 | 2.1 |
| **Узбекистан** | **41** | **20.5** | **15** | **3.5** | **2** |

Манба: "Бизнес юритиш" тадқиқотининг тарихий манбалари, Контрактлар ижросини таъминлаш, уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

## 1.4. Суд жараёнлари ва маъмуриятчилик сифати

Суд ва маъмурий жараёнлар сифати тегишли суд амалиётининг 19 та алоҳида элементидан иборат мураккаб комплекс кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич ишни қайта ишлаш босқичлари номли аввалги, анча зид кўрсаткич ўрнига 2016 йилда жорий этилди[8] .

Ушбу кўрсаткич ўз ичига олган 19 та компонентнинг барчаси етакчи суд амалиётларининг кўрсаткичи ҳисобланади (ижро органлари учун айрим етук амалиётлар киритилган, бироқ етакчи суд амалиётларининг кўпчилиги ҳам ушбу органларга татбиқ этилади ва суд қарори чиқарилгач, жараёнларни яхшилаш учун жорий этилиши мумкин)

Ушбу 19 та компонент 2 та умумий кўрсаткичга бирлаштирилган: 1. Суд жараёни сифати; ва 2. Суд бошқаруви сифати. Булар ўз навбатида, қуйидаги 4 та кичик кўрсаткич ёрдамида кўриб чиқилади:

- суд тизими ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси;
- суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги;
- судлар автоматлаштирилиши;
- низони муқобил ҳал қилиш.

6-жадвалда 2019 йилдаги етакчи давлатлар ва Ўзбекистон учун натижалар келтирилган. Шуниси қизиқки, бу соҳада 16 балл билан Қозоғистон етакчилик қилмоқда. Бу эса, ислоҳотларнинг жуда аниқ тизимли жараёни кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзбекистон белгиланган 18 баллдан бор-йўғи 6 балл олди, суд самарадорлигининг муҳим соҳаси – ишларни бошқариш бўйича умуман балл олинмади. Бу ислоҳотлар ҳеч шубҳасиз катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин бўлган соҳалардир.

[8] "Ишни қайта ишлаш қадамлари" деб номланган аввалги кўрсаткичнинг вазифаси суд текшируви самарадорлигининг муҳим кўрсаткичини аниқлашдан иборат эди: даъво беришдан тортиб якуний ижрога қадар ишни якунлаш учун зарур бўлган босқичлар сони. Маълумотлар тўплаш натижасида аниқланган муаммо шунда эдики, бу жараённи ҳақиқатда тушуниш учун томонлар қўйиши керак бўлган босқичларни ҳам, хизматчилар, судьялар ва ижро хизмати ходимлари бажариши керак бўлган жараёнларни ҳам билиш лозим эди. Бундан ташқари ҳар бир мамлакатда қўлланиши керак бўлган ҳар бир жараённинг аниқ таърифларини ишлаб чиқиш осон вазифа эмас эди. Натижада маълумотлар тўплаш учун ишлаб чиқилган шаклни тўлдириш қийин эди ва у ҳар хил талқин қилиниши мумкин эди. Натижада вақт ўтиши билан мазкур кўрсаткич учун тўпланган маълумотлар жуда ишончли эди. Судларни бошқаришнинг халқаро эътироф этилган тегишли амалиётига асосий эътибор қаратиладиган иш самарадорлигининг аниқроқ кўрсаткичига ўтиш тўғрисидаги қарор ишончлироқ маълумотлар базасини яратиш учун жуда муҳим қадам бўлган эди. Уларга комплекс кўрсаткич ҳам жорий этилди, айниқса вазиятни яхшилашга доир чора-тадбирлар мисоллари келтирилган қўшимча ҳисоботлар ишлаб чиқилгани ҳисобга олинганда бутун дунёдаги судлар учун бу кўрсаткични осонроқ мўлжал қилиб олиш осонроқ эди (қаранг: Грамков ва Эбейд 2016).

Рейтинг етакчилари қандай ислоҳотларни амалга оширгани ва яқин йилларда Ўзбекистон томонидан ҳар бир 19 кичик компонент учун қандай вариантлар кўриб чиқилиши ҳақида кейинги бўлимларда батафсилроқ таърифлар келтирилади. Энг кучли бешталикка кирмайдиган, ушбу ҳужжатнинг диққат марказида турган бошқа давлатлар қандай ислоҳотларни амалга оширгани ҳақидаги қўшимча ахборотни Жаҳон банки томонидан 2016 йилда эълон қилинган "Судлар учун етук амалиёт: Суднинг самарали фаолият юритиши учун фойдали элементлар ва Жаҳон банки суд жараёнлари сифати кўрсаткичи" номли ҳужжатдан олиш мумкин (Грамков ва Эбейд, 2016).

**6-жадвал: 2019 йилда суд жараёнлари сифати индекси, Етакчи давлатлар ва Ўзбекистон**

| Мамлакат | Рейтинг | Суд жараёнлари сифати индекси | Суд тизими ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси (0-5) | Суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги (0-6) | Судлар автоматлаштирилиши (0-4) | Низоларни муқобил ҳал қилиш (0-3) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Австралия | 5 | 15.5 | 4.5 | 5.5 | 3.0 | 2.5 |
| Қозоғистон | 4 | 16.0 | 5.0 | 5.0 | 3.0 | 3.0 |
| Корея Республикаси | 2 | 14.5 | 3.5 | 4.0 | 4.0 | 3.0 |
| Норвегия | 3 | 14.0 | 3.5 | 4.0 | 4.0 | 2.5 |
| Сингапур | 1 | 15.5 | 4.5 | 4.5 | 4.0 | 2.5 |
| **Ўзбекистон** | **41** | **6.0** | **2.5** | **0.0** | **2.0** | **1.5** |

Манба: "Бизнес юритиш" тадқиқотининг тарихий манбалари. Контрактлар ижросини таъминлаш, уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

### 1.4.1. Суд тизими ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси

Суд жараёнлари сифати индексининг бу қисмида қуйидаги бешта асосий жиҳатга эътибор қаратилади:

- суднинг тижорат ихтисослиги;
- майда тортишув судлари;
- мол-мулкни дастлабки тарзда хатлаш мумкинлиги;
- ишларнинг тасодифий тақсимланиши;
- хотин-қизларнинг гувоҳлик кўрсатмаларига тенг муносабат.

Қуйида келтирилган, 7-жадвалда қайд этилганидек, Қозоғистон рейтинг етакчилари орасида 5 баллни тўплаган ягона давлат сифатида бу борада етакчилик қилмоқда. Ўзбекистон 2,5 балл тўплади. Тошкентда (ва мамлакатрнинг бошқа ҳудудларида) судларнинг хўжалик ишлари бўйича ихтисослашгани, аёл даъвогарларнинг кўрсатмалари эркаклар кўрсатмалари билан тенг қабул қилиниши ижобий жиҳат ҳисобланади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил июлдаги қарорида бошқа соҳаларни ҳам ислоҳ қилишга қаратилган айрим тадбирлар назарда тутилди. Жумладан, судьялар орасида ишларни тасодифий тақсимлаш жараёнини жорий этишни якунлаш (45-сонли тадбир). Агар бу навбатдаги “Бизнес юритиш” тадқиқоти доирасида маълумотлар тўплашга қадар тўлиқ жорий этилса, ушбу кўрсаткични биттага яхшилаган бўлар эди. Бундан ташқари қарорда иқтисодий судларда кичик даъволарни қайта ишлаш тартиб-таомилини жорий этиш тўғрисида таклифлар олиш учун сўров ўтказиш (39-сонли тадбир) ва биринчи эшитиш шаклини тузатиш вариантларини қайта кўриб чиқиш белгиланган. Бу суддан олдин кенгаш (қуйида келтирилган ишларни бошқариш бўлимига қаранг) ва мол-мулкни дастлабки тарзда хатлаш тартиб-таомилига ўзгартиришлар киритиш масалаларига тааллуқли бўлиши мумкин. Албатта, самарали тадбирлар, аммо улар тез орада амалга жорий этилмаса, яқин муддат ичида катта ўзгаришларни келтириб чиқармайди.

Кейинги бўлимлар ижро этувчи бешта энг яхши мамлакатдаги вазият таҳлилига бағишланади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳозирча белгиланган барча балларни тўплай олмаётган (яшил билан ажратиб кўрсатилган) компонентнинг ҳар бир элементи бўйича юқорига кўтарилишнинг тавсия этилган вариантлари келтирилади.

***Кичик низоли ишларни ҳал этувчи судларни жорий этиш.*** Бешта етакчи давлатларнинг барчаси кичик даъволар тўғрисидаги қоидаларнинг у ёки бу шаклларини жорий этди ва ариза берувчиларга судга ўз номидан қатнашиш имкониятини яратиб берди. 2016 йилда Қозоғистонда кичик даъволарни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартиб-таомиллари жорий этилди, бошқа мамлакатларда, масалан, Янги Жанубий Уэльснинг хўжалик судида фақат кичик даъволар билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган бўлинмалар ташкил этилди. Бундай судлар, кичик даъволар билан ишлаш бўйича суд

**7-жадвал: Контрактлар ижросини таъминлаш, “Бизнес юритиш — 2019”, Етакчи давлатлар ва Ўзбекистон: Суд жараёнлари сифати индекси: Суд тизими ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси.**

| Мамлакат | Суд жараёнлари сифати индекси (0-18) | Суд тизимлари ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси (-1-5) | 1. Фақат тижорат ишларини кўриб чиқиш учун мўлжалланган суд ёки суд бўлинмаси мавжудми? | 2.a. Майда тортишув суди мавжудми ёки майда даъволарни кўриб чиқиш тартиб-таомили тезлашганми? | 2.b. Агар шундай бўлса, ўзини ўзи вакил қилишга рухсат берилганми? | 3. Мол-мулкни дастлабки тарзда хатлаш мумкинми? | 4. Янги ишлар судьялар ўртасида тасодифий тарзда тақсимланадими? | 5. Аёлларнинг кўрсатмалари судда эркакларнинг кўрсатмалари каби нуфузга эгами? |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Австралия** | **15,5** | **4,5** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа, қўлда** | **Ҳа** |
| **Қозоғистон** | **16,0** | **5,0** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа, автоматик тарзда** | **Ҳа** |
| **Норвегия** | **14,0** | **3,5** | **Йўқ** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа, автоматик тарзда** | **Ҳа** |
| **Сингапур** | **15,5** | **4,5** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа, қўлда** | **Ҳа** |
| **Корея Республикаси** | **14,5** | **3,5** | **Йўқ** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа** | **Ҳа, автоматик тарзда** | **Ҳа** |
| **Ўзбекистон** | **6,0** | **2,5** | **Ҳа** | **Йўқ**[9] | **н/д** | **Ҳа** | **Йўқ**[10] | **Ҳа** |

Манба: “Бизнес юритиш” тадқиқотининг тарихий манбалари. Контрактлар ижросини таъминлаш. Уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/dat

инстанциялари ёки жараёнлари қиймати паст даъволар билан боғлиқ оддий иқтисодий масалаларга йўналтирилгани эътиборга олинса, улар кўпинча ўз юрисдикциясида кўпчилик иқтисодий (ва бошқа) ишларни кўриб чиқади. Шу сабабли уларнинг жорий этилиши умумий юрисдикция судида барча иқтисодий ишларни кўриб чиқишга тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Кичик низоли ишлар сифати-

[9] Бизнес юритиш экспертлари буйруқ билан иш юритишни майда даъволар учун тезлаштирилган тартиб-таомил деб ҳисобламайди.

[10] 2018 йил октябрдан бошлаб Ўзбекистон судларидаги барча ишлар судьялар ўртасида тасодифий тарзда тақсимланади. Маълумотлар аввалроқ тўплангани боис бу ислоҳот маърузага киритилмади.

да кўриб чиқиладиган ишлар оддий бўлгани боис адвокат хизматига эҳтиёж сезилмайди. Етакчи давлатларнинг ва Колумбия округидаги Вашингтон кичик низоли ишлар бўйича судлари каби бутун дунёда ташкил этилган кичик низолар бўйича айрим қадимги судларнинг тажрибаси кўрсатишича, улар далил-исботларни қайта ишлашнинг соддалаштирилган қоидаларидан, жадаллаштирилган тартиб-таомиллардан ва камроқ расмий жараёнлардан фойдаланади. Бунда томонлар шахсан иштирок этиб, нафақат бундай ишларни кўриб чиқишга кетадиган вақт ва саъй-ҳаракатни тежайди, балки айниқса, адвокат хизматларидан фойдаланишга қурби етмайдиган кичик маҳаллий корхоналар ҳамда унчалик бой бўлмаган истеъмолчилар учун муҳим хизмат ҳисобланади. Акс ҳолда, улар контракт ёки бошқа ҳуқуқлар ижросини таъминлаш учун юридик воситага эга бўлмасди (Грамков ва Эбейд 2016). Низоларни тез ва кам маблағ сарфлаб ҳал этиш узоқ давом этадиган ва қиммат турадиган суд текширувлари вақтида ўз бизнесини қўллаб-қувватлаш учун ресурсларга эга бўлмайдиган кичик ва ўрта корхоналар учун айниқса, муҳимдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ишлар учун соддалаштирилган тартиб-таомилларни жорий этиш тўғрисида янги қарор ишлаб чиқилмоқда ва судга ўзини ўзи вакил қилиш тартибини жорий этишга рухсат берилди. Агар бу навбатдаги “Бизнес юритиш” маърузаси учун маълумотлар тўпланадиган вақтгача тўлиқ амалга оширилса, бу кўрсаткичга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

***Қисқа муддатли тавсиялар:*** Ислоҳ қилиш бўйича жорий саъй-ҳаракатларга таяниб, бошқа давлатлар тажрибаси нуқтаи назаридан ислоҳ қилиш бўйича жорий таклифларни кўриб чиқиш ҳам фойдали бўлиши мумкин. Ўзбекистон делегациясининг Колумбия округидаги Вашингтонга ташрифи доирасида кичик низоли ишларни ҳал этишга мўлжалланган судларга бориб, уларнинг фаолияти ва тажрибасини муҳокама қилган, деган умиддамиз. Қабул қилиш зарур бўлган яна бир қарор қуйидагича: хўжалик ишларини кўриб чиқувчи барча судларда кичик даъволарни кўриб чиқишда соддалаштирилган тартиб-таомилларни қўллашга тўхталиш керакми ёки ҳеч бўлмаса Тошкентда кичик низоли даъволарни кўриб чиқиш учун махсус бўлинма ёки ҳатто махсус суд ташкил этиш зарурми? (қаранг: Грамков в Эбейд 2016). Одатда, мамлакатнинг асосий савдо марказида махсус бўлинмага нисбатан эҳтиёж юқори бўлиши, вилоятларда эса, бунга эҳтиёж сезилмаслиги ҳам мумкин. Ишлаб чиқилган таклифлар ушбу механизм ёр-

дамида потенциал жиҳатдан қайта ишланиши мумкин бўлган ишлар сони тўғрисида тасаввур олиш учун Тошкентдаги кичик хўжалик ишлари жорий юкламасининг шарҳини ўз ичига олади деб умид қиламиз. Бу кичик даъволарни ҳал этишнинг қандай шаклини ташкил этиш лозимлигини аниқлаб олиш учун муҳимдир (яъни барча тижорат судларида фойдаланиладиган оддий ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартиб-таомиллари, бир нечта кичик ихтисослаштирилган суд инстанциялари ва ёки бундай даъволар учун етарлича ҳажм мавжуд бўлган жойда тўлақонли суд). Бу таҳлил ўз навбатида, бундай фаолиятни ташкил этиш ва мавжуд хўжалик судларига таъсирни яхшироқ тушуниш учун зарур бўлган инсон ва молия ресурсларини баҳолашга таъсир қилади. Шунингдек, кичик низоларни ҳал этишга мўлжалланган суднинг танланган варианти муваффақиятли бўлиб чиқса, кичик даъволарни қўзғатувчи шахслар сони ҳозирги кўрсаткичлардан ортиб кетиш эҳтимоли мавжудлигини ҳисобга олиш муҳим. Чунки молиявий маблағи бўлмаган шахслар контрактлар ижросини таъминлаш мақсадида судга мурожаат қилиш учун энди кичик даъволарни қайта ишлашнинг ушбу вариантидан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари даъво беришга қўйилган талаблар, тартиб-таомиллардан иборат босқичларни, исботлашга қўйилган талаблар ва тақдим этиладиган ҳужжатларни камайтириш вариантларини белгилаб олиш, шунингдек, соддалаштирилган тартиб-таомиллардан фойдаланиш мақсадида соддалаштирилган шаклларни жорий этиш учун фуқаролик / хўжалик процессуал кодексида баҳолаш назарда тутилмоқда. Агар бу тартиб амалга жорий этилмаган бўлса, унда бу қисқа муддатда амалга оширилиши талаб этиладиган тадбирлардир.

***Ўртача муддатли тавсиялар:*** Бутун мамлакат бўйлаб кичик низоли ишларни кўриб чиқиш шаклларини яхшироқ тушуниш учун тўпланган ушбу ахборотдан фойдаланиб, Тошкентда ва бошқа асосий тижорат марказларида ҳуқуқий ислоҳотларни давом эттириш ёки нормаларга тузатиш киритиш талаб этилиши мумкин. Шунингдек, самарали бажариш учун муддатлар, молиявий ва инфратузилмавий эҳтиёжлар кўрсатилган ҳолда амалга ошириш бўйича батафсил таклиф ишлаб чиқилиши керак. Бундан ташқари кичик низоли ишларни ҳал этиш бўйича судларда вакиллик зарурати йўқлиги уларнинг даромади потенциал даражасига таъсир кўрсатмаслигини англаш учун жамоатчилик асосидаги юристлар уюшмаси билан маслаҳатлашув ўтказиш муҳимдир. Чунки

бундай ишлар одатда уларга келиб тушмайди. Худди шунингдек, кичик ишбилармонлар доирасини, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек, кенг жамоатчиликни бу режалар уларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришидан хабардор қилиш муҳимдир. Бундай суд фаолиятининг бошқача хусусияти, агар махсус бўлинма ташкил этилса, хоналарни бошқа йўсинда жойлаштиришни талаб қилади. Бундан ташқари судьяларга ва суд аппарати ходимларига нафақат янги нормаларни, балки кичик низоларни ҳал этилувчи судга вакилсиз ташриф буюрувчилар билан мулоқот қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш усулларини ўргатиш зарур. Бу шунингдек, судлардан фойдаланувчилар учун соддалаштирилган (босилган шаклда, онлайн, оддий ва тушунарли тилда ёзилган) суд шаклларини ва ахборот материалларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шунингдек, бу суддан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган (онлайн, шу жумладан, судда компьютер терминалларида) содда автоматлаштирилган шакллар ва ахборот пулини ишлаб чиқиш имкониятидир. Суд жараёнлари соддалаштирилиши эса, кўп жиҳатдан тартиб-таомилларни эрта автоматлаштириш учун мос келади. Бу таклиф-мулоҳазаларнинг барчасини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқиладиган режаларда батафсил акс эттирилиши ва қонун ҳужжатларини ўзгартириш жараёнларига таъсир этишда давом этиши керак.

***Узоқ муддатли тавсиялар:*** Ишбилармон доираларининг, айниқса, маҳаллий бизнес вакилларининг тобора ошиб ва ўзгариб бораётган эҳтиёжларини ифодалаш учун ишлар бўйича умумий тенденцияларни яхшироқ кузатиш, талаб этиладиган ресурсларда тузатиш ва ўзгартириш зарур бўлган қайта ишлаш ва судда кўриб чиқиш соҳасини аниқлаш мақсадида йилда камида бир марта ишлар бўйича тенденциялар ва ишларни бошқаришга доир маълумотларни ўрганиш зарур. Кичик низоли даъволарни қайта ишлашнинг турли кўринишидаги нисбатан енгилроқ жараёнлар нафақат судда автоматлаштириш учун, балки даъволар беришни автоматлаштириш, хабарлар / қарорлар олиш, ишларни кўриб чиқиш жадвалидан ва ҳужжатларни беришнинг мукаммаллаштирилган тизимидан фойдаланиш усулларини текшириш учун мос келади. Судга шахсан иштирок этиш истагида бўлган томонлар ушбу вариантлардан фойдаланиши мумкин. Кичик низоли ишларни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари кичик ва ўрта маҳаллий корхоналар ҳамда маҳаллий истеъмолчилар учун муҳим эканини инобатга олиб, шаклларни зарур бўлган жойда миллий озчилик тилларида ишлаб чиқиш, шунингдек, судларнинг

фаолияти тўғрисида баҳо олиш мақсадида маҳаллий ҳамжамиятларни жалб қилиш ҳамда жамоатчиликни судлар хизмати ва умуман ролидан хабардор қилиш учун ҳам бу қулай имконият ҳисобланади.

### 1.4.2. Ишларни бошқариш

Суд жараёнлари сифати индексининг ушбу кичик компоненти 10 элементдан иборат. Аслида бунинг ажарбланарли жойи йўқ. Нега деганда, ишларни бошқариш суднинг нормал фаолият юритиши учун асос ҳисобланади ва суд фаолиятининг кўпгина жиҳатларига дахл қилади. Австралия белгиланган 6 баллдан 5,5 балл тўплаб, бу борада энг юксак натижа кўрсатди. Барча қолган етакчи давлатлар 4 ёки ундан ортиқ балларни қўлга киритди. Ўзбекистон 0 балл олди, бу эса, ушбу соҳага биринчи навбатда эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда (8-жадвалга қаранг). Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида ишларни бошқаришнинг айрим жиҳатларига, айниқса, жараёнларни автоматлаштиришга тааллуқли бўлган бир нечта элемент мавжуд. Бироқ қўшимча ахборотсиз муаллиф автоматлаштиришга доир жорий саъй-ҳаракатлар умуман олганда, “Бизнес юритиш” тадқиқоти рейтинги контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичлари хусусида ишларни бошқаришнинг етакчи принципларини қай даражада акс эттиришини баҳолай олмайди.

Ишларни бошқаришда юксак натижаларга эришиш учун етакчи давлатлар бир неча йил давомида шиддатли ислоҳотлар олиб борди; Сингапур ва Корея каби айрим давлатлар бунга деярли 30 йил сарфлади. Аввал қайд этилганидек, Норвегия 2005 йилда фуқаролик жараёнига фундаментал ўзгаришлар киритди. Бу ишларни бошқаришнинг тегишли амалиётини ўрнатиш зарурати туфайли келиб чиқди. Қозоғистондаги ўзгаришлар нисбатан яқинда, асосан 2014 йилдан бошланди (Мейтерс 2015). Суд ишларини бошқаришда юксак салоҳиятни шакллантириш билан боғлиқ тажриба, айниқса, ушбу иккита суд тизими тажрибаси ҳар бир давлат учун муҳимдир. Икки давлат суд аппарати ходимлари ва раҳбар ходимлар учун судни бошқариш, ишларни бошқариш ва суд жараёнларини автоматлаштириш натижаларини бошқариш учун имкониятлар яратилиши зарурлигини тан олди. Икки давлат ҳам аввал бошидан ишларни тегишлича бошқариш, шунингдек, барча фойдаланувчилардан олинган маълумотлар ва баҳоларга асосланган ҳолда ислоҳотларни ишлаб чиқиш самарали суд жараёнларига замин яратишини тан олди. Ушбу

давлатлар автоматлаштириш – самарадорликни ошириш воситаларидан бири эканини, агар бу жараёнлар мақбуллаштирилмаса, ишларни бошқариш татбиқ этилмаса, тўлиқ муваффақиятга эришиб бўлмаслигини тушунди. Шунингдек, ушбу давлатлар бу ислоҳотлар муайян вақт талаб этишини, ислоҳотлар аниқ режалаштирилган бўлиши ва давом эттирилишини тушунди, чунки судлар ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари қонун ҳужжатлари ва технологиялар билан бирга ўзгариб боради.

Қоида тариқасида, ишларни бошқариш деганда, даъво беришдан тортиб қарор чиқарилгунга қадар ишлар суд орқали ўз вақтида ва уюшган ҳолда ўтишини таъминлаш учун ишлаб чиқилган принциплар ва усуллар тўплами тушунилади (Грамков ва Нузенблатт 2013). Гарчи бутун дуёдаги судлар томонидан қабул қилинган ишларни бошқариш принциплари уларнинг эҳтиёжлари, қонунлари ва маҳаллий ҳуқуқий маданиятга қараб фарқ қилса-да, уларнинг айримлари бутун дунёда шу даражада бир хилда қўлланадики, бугун улар суд фаолиятини самарали бошқаришнинг асосий принциплари тўплами сифатида эътироф этилган (қўшимча ахборот олиш учун қаранг: Грамков ва Нузенблатт 2013).

*"Бизнес юритиш"* тадқиқоти ишларни бошқаришнинг халқаро эътироф этилган асосий принципларидан олтитаси бўйича маълумотлар тўплайди:

- ҳеч бўлмаса, учта муҳим суд воқеаси учун вақт стандартларини белгиловчи нормалар мавжудлиги ва уларга риоя этилиши;
- кечиктириш ва узайтиришлар тўғрисидаги нормалар мавжудлиги ҳамда улар тегишли ҳолатларнинг ҳеч бўлмаса, 50 фоизида қўлланилиши;
- ишларни бошқариш бўйича камида 2 та муҳим ҳисобот яратиш имконияти;
- суддан олдин кенгаш ўтказиш имконияти, яъни суд текширувидан олдин низоли масалалар ва далил-исботларга тегишли масалалар кўламини камайтиришга, ишнинг мураккаблиги ва суд текшируви тахминан қанча давом этишини ўрганишга, текширув жадвалини тузиш ва томонларнинг ярашиш имкониятларини аниқлашга қаратилган эшитиш ўтказиш имконияти;
- судьялар учун ишларни бошқаришнинг электрон воситаларидан фойдаланиш;

- шунингдек, адвокатлар учун ишларни бошқаришнинг электрон воситаларидан фойдаланиш.

Вақтинчалик стандартлар ва кечикишлар тўғрисидаги нормативларга таааллуқли маълумотларни тўплашда *"Бизнес юритиш"* тадқиқоти ҳам ушбу стандартларга амалда риоя этилиши юзасидан экспертлар ўртасида сўров ўтказади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон ушбу муҳим соҳада 0 балл тўплади. Айнан шу ўринда ўзгаришлар судлар, улардан фойдаланувчилар учун жиддий аҳамият касб этиши ва "Бизнес юритиш" тадқиқоти кўрсаткичига таъсир кўрсатиши мумкин. Яхшиямки, ишларни бошқаришнинг айрим илғор амалиётларини жорий этиш катта молиявий маблағларни талаб қилмайди, албатта, бундан суд жараёнларини автоматлаштириш мустасно. Бу ишларни бошқаришнинг илғор принципларига асосланган доимий, узоқ муддатли инвестиция сифатида пухта режалаштирилиши ва кўриб чиқилиши керак.

**Норма ва вақт стандартларига риоя қилиш**

*Вақт стандартларини* амалга ошириш ҳақида сўз борганда, Ўзбекистонда иқтисодий ишларни якунлаш учун умумий вақт стандартини белгиловчи қонун ҳужжатлари мавжуд. Бироқ уларда вақт учта муҳим босқичга бўлиб чиқилмаган (яъни даъво беришдан тортиб то суд хабарларини топширишгача, суд хабарларини топширишдан тортиб то қарор чиқарилгунга қадар, қарор чиқаришдан тортиб унинг ижросигача). Камида учта муҳим суд босқичи учун бундай вақт стандартлари ҳозирда "Бизнес юритиш" маърузасига киритилган 98 та давлатда, шу жумладан, Австралия ва Қозоғистонда мавжуд (2018 йилда жорий этилган). Норвегия, Жанубий Корея ва Сингапур бунинг ўрнига судьялар томонидан иш бошқаришнинг турли вариантларини, шу жумладан, жараёнларни автоматлаштиришни танлади. Бу жараёнлар муддати, шунингдек, ишларни ўз вақтида кўриб чиқишни кафолатловчи тадбирлар устидан пухта мониторинг олиб бориш имконини беради, бироқ ишнинг ҳолатига қараб мослашувчанликни талаб этади.

Яна бир муҳим ҳолат шундан иборатки, "Бизнес юритиш" ушбу вақт стандартларига жараённинг камида 50 фоизида қатъий риоя этишни талаб қилади. Қонун ва суд қоидаларида бундай стандартларни белгилаб қўйиш ишнинг яхши бошланиши ҳисобланади, бироқ агар улар

амалиётда татбиқ этилмаса, ҳеч нарса ўзгармайди. Амалиётда бундай вақт стандартларига "Бизнес юритиш" маърузасида кўриб чиқилган давлатларнинг 64 тасидагина риоя этилади. Маърузаларга кўра, барча бешта етакчи давлатда мавжуд вақт стандартларига аксарият ҳолларда риоя қилинади. Бунинг учун вақт стандартларини шунчаки ўрнатиш етарли эмас, бунинг учун ишларни бошқариш принципларини, тизимни ва тегишли ҳисоботларни жорий этиш ва уларга риоя қилиш зарур. Бу ишларни кўриб чиқиш жараёни ва муддатларини, шунингдек, ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш учун механизмларни кузатишда, шу жумладан, агар томон белгиланган ва келишилган муддатларга қайта-қайта асоссиз равишда риоя қилмаса, автоматик тарзда қарорлар қабул қилишда судьяларга ва суд аппарати ходимларига ёрдам беради. Ўзбекистонда мавжуд бўлган умумий вақт стандартларига умуман олганда, риоя этилаётгани ижобий жиҳат ҳисобланади.

**Кечиктириш қоидаси**

Кечиктиришни назорат қилиш судлар қўллаши зарур ҳисобланган ишларни бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Исталган суд мажлисининг кечиктирилиши суд, шунингдек, томонлар эшитишнинг бошқа санасини келишиш учун ўз жадвалини ўзгартириши ва қўшимча инсон ва молия ресурсларидан фойдаланиши керак эканлигини англатади. Бу шунингдек, бутун жараён узоқроқ давом этишини англатади. Бу эса, зарар ва зиённи ўз вақтида қоплаш имконини бермайди, саъй-ҳаракатларнинг такрорланишига, суд ва томонлар учун харажатларнинг кўпайишига, шунингдек, баъзида ахборотнинг йўқотилишига ва умуман айтганда, жалб этилган томонларнинг кескин норозилигига сабаб бўлади. "Бизнес юритиш" тадқиқотчилари қонунда кечиктириш сони чеклаб қўйилганини ва ҳолатларнинг тахминан 50 фоизида кечиктиришнинг мавжуд қоидаларига риоя этилаётганини билиши керак.

Ишларни кечиктиришни тартибга солувчи батафсил қоилалар "Бизнес юритиш — 2018" рейтингида кўриб чиқилган 36 та давлатдагина мавжуд. Етакчи давлатлар орасида фақат Қозоғистон кечиктиришнинг энг кўп сонини белгиловчи қонун ҳужжатларини жорий этди. Бу қонун ҳужжати 2017 йилда кучга кирди, аммо унда бирор-бир кечиктириш кутилмаган ёки фавқулодда ҳолатлардагина тақдим этилиши

назарда тутилмаган. Бу норма амалиётда рўёбга чиқарилиши ва иш самарадорлигини оширишга олиб келишини вақт кўрсатади. Австралия ва Сингапурда, аксинча, исталган кечиктиришлар кутилмаган ёки фавқулодда ҳолатлардагина тақдим этилишини кафолатловчи қоидалар амал қилади. Икки давлатда ҳам кечиктириш қоидаларига 50 фоиздан ортиқ ҳолатда риоя этилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ишларни кечиктириш бўйича чекловлар йўқ. Шунинг учун бу борада Австралия ва Сингапур тажрибаси анча фойдали бўлиши мумкин.

### Ишларни бошқариш бўйича ҳисоботлар

Ишларни юритиш бўйича ҳисоботлардан фойдаланиш бошқариш методикасини самарали жорий этишни қўллашнинг бошқача усули ҳисобланади. Ушбу ҳисоботларда қуйи суддаги турли бошқарув мақсадлари учун ишларни қайта ишлаш тўғрисидаги маълумотлар тўпланади ва таҳлил қилинади: судни бошқариш, айрим судьялар, маъмурий ходимлар (қаранг: Грамков ва Нузенблатт 2013). Ушбу ҳисоботлар аниқ бир даъволарда ва ёки бутун суд тизимида ишларни бошқариш мақсадларига эришилдими-йўқми кўрсатиб бериши мумкин ва улар кундалик фаолиятдаги ўзгаришларни кўриб чиқиш, ходимлар ва бошқа ресурсларни, бюджет сўровларини тақсимлашда асос ҳисобланади ҳамда суд қоидаларига ўзгартишлар киритиш зарурлиги ҳақидаги ахборот манбаи саналади ва қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилишига ҳисса қўшади.

“Бизнес юритиш” тадқиқотчилари ишлар тўғрисидаги маълумотларга эга ҳисоботлардан жараённинг ҳеч бўлмаса, қуйидаги тўртта элементи бўйича фойдаланиш мумкинлигини баҳолайди:

1) судда кўриб чиқилиши кутилаётган ишлар сони;
2) ишларни қайта ишлаш тезлиги;
3) кўриб чиқишнинг ўртача вақти;
4) кўриб чиқилиши кутилаётган ишларнинг ўртача муддати.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу ҳисоботларни электрон шаклда яратиш шарт эмас. Ишларни бошқариш бўйича маълумотларни пухта тўплайдиган ҳар қандай суд судни бошқариш ва имкон бўлса, ҳар бир судья учун, улар жараёнларнинг самарадорлигини таҳлил қила олиши, шунингдек, ишларни бошқариш бўйича жорий ташаббуслар жараёнини кузатишда уларга ёрдам бериш учун бундай ҳисоботларни камида

ҳар ойда тайёрлаши мумкин ва назарий жиҳатдан тайёрлайди.

Самарадорликни бошқариш бўйича ҳисоботларнинг энг кенг тарқалган тўртта типи мавжудлиги тўғрисида 2019 йилдаги маъруза учун тўпланган маълумотлар ушбу ҳисоботларнинг ҳеч бўлмаса, иккитасидан 73 та давлатда фойдаланиш мумкин эканини кўрсатмоқда (“Бизнес юритиш — 2019”).

Бундай ҳисоботлар барча бешта етакчи давлатда судларнинг тижорат бўлинмалари учун ташкил этилиши мумкин. “Бизнес юритиш — 2018” маърузаси учун маълумотлар тўпланаётган вақтда Ўзбекистонда бундай ҳисоботлар йўқ эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мурожаатномасида ушбу ҳисоботларнинг иккитасини (ишларни қайта ишлаш тезлиги ва кўриб чиқиш вақти, 41-сонли тадбир) эълон қилиш таклифи билдирилган, бу эса, оқилона қадам ҳисобланади, бироқ белгиланган мақсадларга эришиш учун етарли бўлмайди.

**Суддан олдинги кенгашлар**

“Бизнес юритиш” тадқиқоти маълумотлари кўрсатишича, суддан олдин кенгаш ўтказилиши 92 та давлатда, шу жумладан, бешта етакчи давлатнинг барчасида фойдаланиладиган ишларни бошқаришнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Бу ишларни бошқаришнинг муҳим амалиётидир ва бешта етакчи давлатнинг барчасида тегишли процессуал қоидаларга зарур ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгартиришларда суддан олдинги кенгашлар автоматик тайинланади, ҳужжатларни беришга қўйилган талаблар, муҳокама қилиш зарур бўлган масалалар ишлаб чиқиш керак бўлган жадваллар ҳақида эса суд адвокатларни олдиндан хабардор қилади.

Ўзбекистонда суддан олдинги кенгашлар йўқ. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти қароридаги 40-тадбир доирасида кўриб чиқилиши номаълум.

**Ишларни электрон бошқариш воситалари**

***Ишларни бошқаришда электрон воситаларини қўллаш*** туфайли “Бизнес юритиш” тадқиқотчилари нафақат бундай электрон воситалар мавжудлиги, балки ***судлар ва адвокатлар улардан фойдалана олиши*** тўғрисида ахборот тўплайди. Бундай воситалар

одатда, судья ва адвокатлар учун ўз ишларини кузатиш имкониятини, устувор вазифаларнинг автоматик тарзда яратилган рўйхатларини, бўлажак муддатлар тўғрисида эслатмаларни ва ҳоказоларни ўз ичига олади. 4-қўшимчада “Бизнес юритиш” тадқиқотида қандай воситалар кузатилиши батафсил таърифланган.

2018 йилда ишларни бошқаришнинг айрим воситаларидан 53 та давлатдаги судьялар фойдалана олди, адвокатлар учун фақат 43 та давлатда бундай имкониятлар яратилди (“Бизнес юритиш — 2019”). Бешта етакчи давлатнинг барчаси судьялар ва адвокатлар фойдаланиши мумкин бўлган ишларни бошқаришнинг электрон воситаларига эга. Масалан, Норвегия судья ва адвокатлар ишларни электрон шаклда бошқара олиши учун 2018 йилда ўз тизимини янгилади. Ушбу давлатларда иш томонлари тизимдан ҳам маълум даражада фойдалана олади. Ҳозирги вақтда Тошкентда ишлаётган тизим асосан ишларни бошқаришни қўллаб-қувватлашга қаратилган, бироқ ишлар-

**4-қўшимча: Ишларни электрон бошқариш: “Бизнес юритиш” нимани кузатади?**

“Бизнес юритиш” методологиясига мувофиқ, агар тегишли суднинг судьялари *судьялар фойдаланиши* мумкин бўлган ишларни бошқаришнинг электрон тизимидан қуйидаги саккизта мақсаддан камида тўрттаси учун фойдалана олса, мамлакатда бундай тизими бор деб ҳисобланади:

- қонунлардан, қоидалардан ва прецедент ҳуқуқида фойдаланиш; улар олиб бораётган барча ишлар учун эшитувлар жадвалини автоматик яратиш;
- адвокатларга хабарномалар (масалан, электрон хатлар) юбориш;
- ўзлари юритаётган ишлар мақомини кузатиш; иш бўйича ҳужжатларни (материалларни, илтимосномаларни) кўриб чиқиш ва бошқариш; суднинг ҳал қилув қарорларини ёзишда ёрдам бериш;
- ярим автоматик режимда суднинг қарорлари / хабарларини яратиш; шунингдек
- муайян иш бўйича суд қарорларини / хабарларини ва ҳал қилув қарорларини кўриб чиқиш.

Агар адвокатлар *адвокатлар фойдаланиши* мумкин бўлган ишларни бошқаришнинг электрон тизимидан қуйидаги саккизта мақсаддан камида тўрттаси учун фойдалана олса, мамлакатда бундай тизими бор деб ҳисобланади:

- қонунлардан, қоидалардан ва прецедент ҳуқуқида фойдаланиш; судга бериш учун шакллардан фойдаланиш;
- хабарномалар (масалан, электрон хатлар) олиш;
- иш мақомини кузатиш;
- иш бўйича ҳужжатларни кўздан кечириш ва бошқариш (материаллар, илтимосномалар); судга материаллар ва ҳужжатларни бериш; шунингдек
- муайян иш бўйича суд қарорларини / хабарларини ва ҳал қилув қарорларини кўриб чиқиш.

Манба: “Бизнес юритиш 2019”, методология, онлайн.

ни бошқаришнинг электрон воситаларидан, чамаси, Ўзбекистонда судьялар ёки адвокатлар фойдалана олмайди, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида (42-сон) фойдаланувчиларнинг икки гуруҳи учун бундай воситаларни ишлаб чиқиш тилга олинади ва "Бизнес юритиш" рейтинги учун кейинги маълумотлар тўплаш вақтигача бундай воситалар амалга жорий этилган бўлиши керак.

Табиийки, бундай воситалардан автоматлашувсиз судлар томонидан фойдаланилиши ва фойдаланилган бўлиши мумкин, бундай қўлда бажариладиган воситаларни жорий этган судлар, қоида тариқасида, уларни фойдаланувчилар учун қулай бўлган ишларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқишга киритган бўлиши мумкин. Агар бундай воситалардан ҳеч бўлмаса, қўл режимида фойдаланиш имкони бўлса, уларни автоматлаштириш анча осон кечади.

***Қисқа ва ўртача муддатга мўлжалланган тавсиялар:*** Ҳозирги вақтда умуман олганда, ишларни бошқаришнинг умумий тушунчаси ва Ўзбекистонда судларда қўлланилиши мумкин бўлган махсус усулларни такомиллаштириш мақсадида айрим саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани назарда тутиб, қайта ишлашнинг ҳар бир базавий босқичининг асослантирилган муддатига эга тижорат суди мақбуллаштирилган жараёнининг дастлабки "харитасини" (камида даъво беришдан тортиб суд хабарлари топширилгунга қадар, суд хабарларини топширишдан тортиб қарор чиқарилгунга қадар ва ижро этиш жараёни) ишлаб чиқиш учун холис ва тажрибали судьялар ва суд аппарати ходимлари гуруҳини тўплаш ишларни қайта ишлашнинг асосий босқичлари учун **аниқ вақт стандартларини** яратишга томон қўйилган биринчи муваффақиятли қадам бўлар эди. Маҳаллий экспертлар гуруҳидан Сингапурда, Австралияда ва Кореяда фойдаланилди. Сўнгра ушбу гуруҳ бундай ишларда вакил бўлиб қатнашиш борасида катта тажрибага эга бўлган маҳаллий хусусий адвокатлар ва маҳалий судларда бундай ишларни кўриб чиққан маҳаллий тадбиркорларнинг таклиф этилаётган вақт стандартлари билан боғлиқ тажрибаси ва муаммоларини ҳисобга олиш учун улар билан маслаҳатлашиши керак. Аксарият давлатлар тажрибаси, масалан, ишларни бошқаришни биринчи марта 30 йил муқаддам судларда қўлланган АҚШ тажрибаси кўрсатишича, бундай ёндашув риоя қилиш мумкин бўлган асоси муддатларни ишлаб чиқиш имконини беради. Белгиланган муддатлар дастлаб текширилиши, сўнгра барча тижорат ишлари (кейин эса, бошқа типдаги ишлар учун) учун жорий

этилиши керак. Норвегия, Сингапур ва Корея тажрибаси кўрсатишича, муайян иш типлари ва жараён босқичлари учун аниқ муддатлар белгиланиши муайян соҳада кутилган самарани бермаслиги мумкин. Бунинг ўрнига юқорида тилга олинган экспертлар ишчи гуруҳининг таклифларига асосланган зарур муддатларни белгилаш ҳамда иш ҳолатларига асосланган муддатларга риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш, уни амалга ошириш ва таъминлаш учун судьяларнинг имконияти ва юридик ваколатларини таъминлаш муҳимроқ бўлиши мумкин.

Судлар ушбу қоидаларга риоя этишни таъминлаш бўйича ваколатларга эга бўлиши ҳам муҳимдир. Суд қоидалари ва қонун ҳужжатларини, эҳтимол, зарур ҳуқуқий базани таъминлаш учун тўғрилаш зарур бўлади. Бунда муддатидан кечиктиришни сўраш ва тақдим этишга рухсат берадиган сабаблар кўрсатилади ва судьяларга суд мажлиси бошланишида бир марта кўчириш, томонлар риоя қилиши керак бўлган ҳаракатларнинг қатъий тақвимини белгилаш, ишни рад этиш ёки белгиланган муддатларга мос келадиган томонлар фойдасига қарор чиқариш каби муносабат билдириш механизмлари тақдим этилади. Судьялар ва суд аппарати ходимларини ишларни бошқариш бўйича ва мослашувчан муддатларга қандай тартибда риоя қилиш бўйича ўқитиш, шунингдек, хусусий адвокатларни муддатлар бўлиши зарурлиги, улар учун яратилган устуворликлар ва талаб қилинаётган қоидалар бўйича ўқитиш ва тушунтириш ишлари олиб бориш талаб этилади. Судлардан фойдаланувчилар учун муддатлар жорий этилиши ва уларнинг устуворликлари ҳақидаги эълонлар ҳам муҳимдир. Ўзбекистондаги судья ва адвокатлар маҳалла орқали турли ҳамжамиятларда катта иш тажрибасини тўплагани боис бундай қамров асослантрилган вақт стандартларини ишлаб чиқиш ва натижаси ҳақида хабардор қилиш учун турли ҳудудлардаги корхоналарга, шунингдек, истеъмолчиларнинг муҳим гуруҳларига қаратилган бўлиши мумкин.

Табиийки, асослантирилган муддатларга риоя қилиш ***муддатидан кечиктиришни чеклаш*** бўйича қоидаларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Томонлар, шунингдек, суд белгиланган муддатларда улгура олмаслик учун асослантирилган сабабларга эга бўлиши мумкин. Масалан, иштирокчи касал бўлиб қолиши ёки вафот этиши, аввал номаълум бўлган жиддий далил-исботлар келтирилиши, айрим ҳолларда эса, ҳатто суд аппаратида ёки юридик фирмада ходимлар бўлмасли-

ги мумкин. Агар қайта ишлашнинг ўта қатъий муддати белгиланса ва муддатидан кечиктириш ҳал этилмаса, даъво қайта берилиши учун кейинга қолдирилиши мумкин. Бу эса, томонлар ва суднинг саъй-ҳаракатлари такрорланишини келтириб чиқаради. Агар қайта ишлашнинг умумий муддати белгиланса ва муддатидан кечиктириш учун қоидалар белгиланмаса, томонлар муддатидан кечиктиришни тез-тез талаб қилиши ва кўриб чиқиш муддати нормаларини самарасиз ҳолга келтириб қўйиши мумкин. Суд қоидаларидан ташқари процессуал кодексга ҳам ўзгартишлар киритиш зарур. Бу эса, қоида тариқасида, кўп вақт талаб қилади. Суд қоидаларида ва ёки қонунда муддатидан кечиктиришнинг мақбул сабаблари ва ишни қайта ишлашнинг асосий босқичларида муддатидан кечиктиришга доир сўровлар сони белгиланиши керак. Шуни қайд этиш муҳимки, суд томонидан муддатидан кечиктириш сабаблари ҳам белгиланган бўлиши керак. Юқори кўрсаткичларга эга давлатларда, жумладан, бешта энг юқори кўрсаткичга эга давлатда улар кўпинча судьянинг қисқа муддатли касаллиги ва табиий офатлар билан билан чекланади; агар судья узоқроқ вақт мобайнида меҳнатга лаёқатсиз бўлса, вафот этса ёки ишдан бўшаса, янги тайинланган судья учун бир марталик муддатидан кечиктиришга рухсат берилади. Судлар ишларни ўз вақтида кўриб чиқиш бўйича ўз мажбуриятлари учун жуда юксак стандартларни белгилайди. Муддатидан кечиктиришнинг асослантирилган қоидаларини ишлаб чиқиш учун муддатидан кечиктириш тўғрисидаги сўровлар қондирилса, ишлар ва вазиятнинг қандай кўринишига дахл қилинаётганини аниқ билиш учун суд маълумотларини қайта кўриб чиқиш зарур. Қозоғистон, Австралия ва Сингапур каби давлатларда бу ахборотдан муддатидан кечиктиришнинг самарали қоидалари шарҳи билан бирга фойдаланиш Тошкентдаги ҳакамлик судининг ўзига хос эҳтиёжларига жавоб берадиган қоидаларни ишлаб чиқиш учун мукаммал асос бўлиши мумкин. Агар Ўзбекистонда бундай маълумотлардан фойдаланиш мумкин бўлса, қисқа муддатли истиқболда буни амалга жорий этиш мумкин. Акс ҳолда жорий суд фаолиятида асослантириладиган муддатидан кечиктириш қоидаларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни биринчи навбатда, тўплаш муҳимдир. Ўртача муддатли истиқболда судьялар ва суд аппарати ходимлари ушбу қоидалар бўйича ўқитилиши керак, қоидалар чоп этилиши керак, адвокатлар ва кенг жамоатчилик қоидаларни, уларни қабул қилиш сабаблари ва афзал жиҳатларини англаши учун тушунтириш ишларини олиб бориш муҳимдир.

***Ишларни бошқариш бўйича тўртта аниқ ҳисобот***, яъни ишларни кўриб чиқиш вақти, уларни қайта ишлаш тезкорлиги, кўриб чиқилиши кутилаётган ишлар бўйича даъво бериш санаси кўрсатиладиган ҳисоботлар ва айрим ишларни кўриб чиқиш жараёни тўғрисидаги ҳисоботлар яратиш ҳақида сўз борганда "Бизнес юритиш" рейтинги қўлда яратилган ушбу ҳисоботлардан фақат иккитаси бўлишини талаб қилади. "Бизнес юритиш" рейтинги учун охирги марта маълумотлар тўпланганда репортёрлар бундай ҳисоботларнинг ҳеч бўлмаса иккитаси Тошкент ҳакамлик судида мавжуд эканини тасдиқлай олишмади. Бир қатор манбаларнинг кўрсатишича, Тошкент судларида маълумотлар тўпланади ва умумлаштирилади, бироқ доимий асосда ишончли ҳисоботларни тақдим этиш учун Тошкент ҳакамлик суди ихтириёда ҳозирги вақтда айнан қандай маълумотлар борлиги (яъни ҳеч бўлмаса, ҳар ойда) маълум эмас. Шу сабабли қўшимча ахборотсиз мазмунли тавсиялар бериш қийин. Аслида маълумотлар ҳеч бўлмаса қўлда, яъни Excel каби электрон шаклларда мунтазам тўпланиши керак. Бу тезкорликда янгилашни, тартибга солишни ва излашни таъминлайди. Биз Ўзбекистонда қандай маълумотлар мавжудлигини, нимани яратиш зарурлигини, ушбу ҳисоботлар турли фойдаланувчилар учун қандай тезкорликда тақдим этилиши ва ҳисоботлар қандай кўринишга эга бўлиши лозимлигини аниқлай оладиган судьялар, суд аппарати ходимлари, суд статисти ва шунга ўхшаш ходимлардан иборат ишчи гуруҳ бор, деб умид қиламиз. Агар мавжуд бўлмаса, бундай ишчи гуруҳни қисқа муддатли истиқболда ташкил этиш керак. Бундай ишчи гуруҳ судлар раҳбарияти ва ҳисоботлардан бошқа фойданувчилар айни дамда нимадан фойдаланиши, келгусида қандай ҳужжатлар ишлаб чиқилиши мумкинлигини тушуниши ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари ҳисоботларни ишлаб чиқувчиларга уларга нима ва қачон кераклигини батафсил тушунтириб бериши учун зарурдир. Маълумки, суд раҳбарияти ва, эҳтимол, судьялар ва суд аппарати ходимлари ушбу ҳисоботларнинг айримларидан фойдаланиши мумкин, бироқ бундай ҳисоботлар қанчалик тез ташкил этилиши (аслида ҳеч бўлмаса, бир ойда бир марта) ва ишларнинг кўриниши хусусида деталлаштириш даражаси қандай экани номаълум. Шу сабабли аҳамиятлироқ тавсиялар бериш қийин. Бугун Корея ва Сингапурдаги судьялар ва суд девонлари ходимларининг ўз фаолиятига тааллуқли муҳим ҳисоботларни реал вақт режимида уларнинг компьютеридан олиш мумкин. Тошкентда ҳам вазият шунга ўхшаш эканлиги ҳақида тахминлар айтилди, бироқ "Бизнес юри-

тиш" рейтинги учун маълумотларни тўплаш гуруҳи буни тасдиқламади. Шунга қарамай, қисқа муддатли истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган муҳим жиҳатлар – бу ишларни бошқариш бўйича юқорида қайд этилган, қўлда яратилган ҳисоботларнинг ҳеч бўлмаса, иккитасидир. Суд статистикаси ходимлари уларни қийинчиликсиз амалга ошириш имкониятига эга бўлиши керак. Ушбу соҳадаги ўртача муддатга мўлжалланган мукаммаллаштиришга доир ишлар суд раҳбарияти, суд маъмурияти ва алоҳида судлар учун тез-тез ҳисоботлар яратишга қаратилган бўлиши керак. Ушбу ҳисоботларнинг қамрови вақт ўтиши билан доим ўзгариб боради, сони эса, вақт ўтиши билан ошиб боради, чунки ҳисоботлардан фойдаланувчилар уларни яхшироқ тушунади ва келажакда янада батафсил маълумотлар олишни хоҳлаб қолади. Маълумотлардан доимий фойдаланувчилардан иборат ишчи гуруҳнинг ташкил этилиши келажакда ушбу жараёнларга таъсир кўрсатиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳисоботлардан асосий фойдаланувчиларни доимо ўқитиш ва жамоатчиликни хабардор қилиш учун танланган маълумотлардан фойдаланиш стратегияси ҳам муҳимдир. Автоматлаштириш жараёни ривожлангани сайин ҳисоботларни яратиш ва деталлаштириш тезлиги, қоида тариқасида, ошиб боради, чунки уларни яратиш осонлашади.

Яхши фаолият кўрсатадиган ***суддан олдинги кенгашлар*** ташкил этишга нисбатан кўпроқ вақт олади ва ўртача муддатли истиқболда амалга оширилиши мумкин. Бешта етакчи давлат тажрибаси кўрсатишича, дастлаб суддан олдинги кенгашларни ўтказиш доиралари ва қоидаларини келишиб олиш зарур, бу эса, қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритишни талаб қилади. Асосий эътибор судьялар ёки судьялар ёрдамчилари ишнинг, потенциал баҳслашиладиган масаланинг мураккаблигини, томонлар олдиндан келишувга келиши мумкин бўлган жиҳатларни баҳолаш учун иш материаллари ва барча далил-исботлар базаси ҳамда ишни судда кўриб чиқишнинг бошланғич жадвалини ишлаб чиқиш учун етарлича ахборотдан олдиндан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлашга қаратилади. Тегишли қоидалар белгилангач, судьялар ва суд аппаратининг бошқа ходимларини ушбу тартиб-таомилга ўқитиш зарур. Баъзан барча ишларни кўриб чиқадиган назорат гуруҳи ташкил этилса, фойдали бўлиши мумкин. Хусусий адвокатлар яхши тайёрланган суддан олдинги кенгаш устуворликларини тушуниши ва уларнинг манфаатлари ҳисобга олинаётганига ишонч

ҳосил қилиш учун олдиндан тушутириш ишларини ўтказиш жуда муҳимдир. Шунингдек, уларни тегишли тартибда ўқитиш керак. Суддан олдинги кенгашлар энди-энди пайдо бўлаётган давлатларда судьялар, судлар девони ходимлари ва адвокатларни бошқа давлатларнинг илғор тажрибаси мисолида ушбу давлатларга ташриф буюриш орқали ёки видео-роликлар ёрдамида таништириш фойдалидир. Буни ролик яратилган суд ва унинг ҳуқуқшунослари билан савол-жавоб онлайн-сессия билан бирлаштириш янада кўпроқ самара беради. Суддан олдинги кенгашлар ўтказиш қоидаларида кечиктириш масалалари бўйича жадвалларни, муддатларни ва ҳисоботни тушунишни аниқлаш учун икки томон билан биргаликда норасмий мулоқот назарда тутилиши керак. Бундан ташқари бошқа барча суд жараёнлари учун бўлгани каби янги жараённи синовдан ўтказиш ва жорий этиш босқичида нозик жойлар бор ёки йўқ ва ушбу янги жараён кўзда тутилганидек ишлаяптими-йўқми, аниқлаш учун маълумотлар тўплаш зарур.

***Узоқ муддатли тавсиялар:*** Узоқ муддатли истиқболда автоматлаштириш ишларни бошқаришнинг барча амалиётларини қўллаб-қувватлаш учун муҳим воситага айланади. Бунинг учун ишларни бошқариш учун дастурий таъминотга муддатлар тўғрисида қоидаларга асосланган, яъни тузатиладиган эслатмалар киритилган бўлиши, суд аппарати ходимлари ва судьялар (ва албатта, охир-оқибат адвокатлар) учун эслатмалар рўйхати яратилиши, шунингдек, судьялар, суд ходимлари ва суд раҳбарияти учун вақт доираси асосида мунтазам бошқарув ҳисоботлари киритилган бўлиши зарур. Ушбу ҳисоботлар асослантирилган муддатларга риоя этишга ёрдам берибгина қолмай, балки судларнинг имконияти ва улардан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари ўзгаргани назарда тутиб, қоидаларга тузатишлар киритади. Шунга ўхшаш тарзда узоқ муддатли истиқболда муддатни кечиктириш қоидалари ва уларнинг талаблари, шунингдек, судьялар ва адвокатлар учун мўлжалланган муддатни кечиктириш тўғрисидаги эслатмалар ишларни бошқариш бўйича дастурий таъминотда акс этиши керак. Аввал қайд этилганидек, ишларни бошқариш бўйича барча ҳисоботларнинг электрон шаклда яратилиши мавжуд дастурий таъминотнинг ишларни кузатиш тизимидан ишларни ва суд жараёнларини бошқаришни ҳақиқатан ҳам, қўллаб-қувватлайдиган тизимга ўтишида муҳим элементга айланиши керак. Ўртача муддатли истиқбол учун махсус таърифланган юқорида баён этилган тавсиялар ушбу босқичга ўтиш учун айрим йўналишларни белгилаб бермоқда. Ба-

тафсилроқ тавсиялар жойнинг ўзида пухта баҳолашни талаб қилади, бу эса, ушбу ҳисобот доирасидан четга чиқишга олиб келади. Ўзбекистонда суддан олдинги кенгашлар айни дамда ташкил этилмагани инобатга олинса, қисқа муддатли ва ўртача муддатли истиқболда назарда тутилган тавсиялардан четга чиқишга ҳали жуда эрта.

**8-жадвал: Контрактлар ижросини таъминлаш,
“Бизнес юритиш — 2019”. Етакчи давлатлар ва Ўзбекистон:
Суд жараёнлари сифати индекси: Ишларни бошқариш**

| Мамлакат | Суд жараёнлари сифати индекси (0-18) | Ишларни бошқариш (0-6) | 1.a. Фуқаролик иши бўйича муҳим суд воқеалари учун умумий вақт стандартларини белгиловчи қонунлар мавжудми? | 1.b. Агар мавжуд бўлса, ҳеч бўлмаса учта суд воқеаси учун вақт стандартлари белгиланганми? | 1.c. 50 фоиздан ортиқ ҳолларда вақт стандартларига риоя этилмоқдами? | 2.a. Қонунда тақдим этилиши мумкин бўлган кечиктиришларнинг энг кўп сони тартибга солинганми? | 2.b. Муддатни кечиктириш кутилмаган ва фавқулодда ҳолатлар билан чекланганми? | 2.c. Агар муддатни кечиктириш қоидалари бўлса, уларга 50 фоиздан ортиқ ҳолатда риоя этиладими? | 3. Тегишли юрисдикция суди иши тўғрисида қуйидаги тўртта ҳисоботдан иккитасини тузиш мумкинми?: (i) кўриб чиқиш вақти тўғрисида ҳисобот; (ii) ишларни қайта ишлаш тезлиги тўғрисида ҳисобот; (iii) кўриб чиқилиши кутилаётган ишларнинг ўртача муддати тўғрисида ҳисобот; ва (iv) алоҳида ишни кўриб чиқиш жараёни тўғрисида ҳисобот. | 4. Тегишли юрисдикция судида ишларни кўриб чиқиш усуллари орасида суддан олдинги кенгашдан фойдаланиладими? | 5. Тегишли юрисдикция судида судьялар учун ишларни бошқаришнинг электрон воситалари мавжудми? | 6. Тегишли юрисдикция судида адвокатлар учун ишларни бошқаришнинг электрон воситалари мавжудми? |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Австралия | 15,5 | 5,5 | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Нет | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Қозоғистон | 16,0 | 5,0 | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Йўқ | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Норвегия | 14,0 | 4,0 | Ҳа | Нет | Ҳа | Йўқ | Йўқ | м/й | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Сингапур | 15,5 | 4,5 | Ҳа | Нет | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Корея Республикаси | 14,5 | 4,0 | Ҳа | Нет | Ҳа | Йўқ | Йўқ | н/д | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Ўзбекистон | 6,0 | 0,0 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Йўқ | Йўқ | м/й | Йўқ | Йўқ | Йўқ | Йўқ |

Манба: “Бизнес юритиш” тадқиқотининг тарихий манбалари. Контрактлар ижросини таъминлаш, уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

### 1.4.3. Суд ишини автоматлаштириш

Агар суд фаолиятини қайта ишлаш учун электрон тизим судда амал қиладиган ишларни бошқариш принципларини акс эттирса ва агар бу тизим ундан фойдаланувчиларнинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган бўлса, ундан фойдаланиш ишларни бошқариш самарадорлигини анча оширади (қаранг: Грамков ва Нузенблатт 2013). Сербия каби айрим давлатлар тажрибаси кўрсатганидек, агар автоматлашув электрон шаклда ишни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш учун зарур қоида ва низомларни тузатмай жорий этилса, суд органлари ходимлари иш юкламаси ошиб кетади ва кутилган самарадорликка эришиб бўлмайди.

"Бизнес юритиш"нинг ушбу кўрсаткичига киритилган суд ишини автоматлаштириш бўйича барча 4 та тадбир томонлар фойдаланиши мумкин бўлган электрон хизматларга йўналтирилган:

- судга электрон шаклда дастлабки чақириш бериш мумкинлиги;
- суд хабарларини электрон шаклда етказиб бериш;
- суд йиғимларини электрон шаклда тўлаш;
- барча даражалардаги судлар учун тижорат ишлари бўйича суд қарорларини эълон қилиш, шунингдек, шикоят ва Олий суд даражасида тижорат суд қарорларини эълон қилиш.

*«Бизнес юритиш»* суддан фойдаланувчиларнинг аксарияти ушбу функциялардан фойдаланишини эмас, балки фақат уларнинг борлигини текширади. Ушбу функцияларнинг барчаси бўйича *«Бизнес юритиш»* стандартлаштирилган ишини кўриб чиқиш учун юрисдикцияси бўлган суд намунали суд ҳисобланади. Бешта етакчи давлат 4 ёки 3 балл олди, Ўзбекистон эса, 2 балл олди (9-жадвалга қаранг). Даъволарни электрон шаклда бериш, божларни тўлаш мумкинлиги ижобий ҳолатдир. Бу автоматлашув томон ташланган дадил қадамлар бўлибгина қолмай, балки ҳам суд учун, ҳам суддан фойдаланувчилар учун фойдали функциядир.

Ўзбекистон 2014 йилдан бошлаб суд ишини автоматлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштирди. Дастлабки синовдан сўнг E-SUD деб номланган тизим тижорат бўлинмаларига эга бўлиши кўзда тутилган барча туманлараро, шаҳар ва туман фуқаролик судла-

рида татбиқ этилди [11]. "Бизнес юритиш" тадқиқоти натижалари Ўзбекистон, шунга қарамай, автоматлаштиришнинг анча эрта босқичида турганини кўрсатмоқда. Бундан нафақат маъмурий ходимлар, балки суддан фойдаланувчилар ҳам фойдаланиши мумкин. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки дастлаб суднинг ички салоҳиятини шакллантириш зарур.

Янги Жанубий Уэльсдаги судларни мисол сифатида келтирамиз. 2011 йилга келиб, ушбу давлатнинг барча анча яхши автоматлаштирилган тизимлари ҳали ҳам қоғоздаги ҳужжатларга боғлиқ эди ҳамда кўпчилик ҳаракатлар учун адвокатлар ва суддаги томонларнинг иштироки талаб этиларди. 2014 йилда судлар маслаҳатчиларни онлайн рўйхатга олиш ва уларни бошқаришнинг онлайн тизимини, 2015 йилда эса, эшитишлар рўйхатида излаш ва суд қарорларини ўқиш учун онлайн тизимни жорий этди. Кейинги йилларда қўшимча жараёнлар қўшилди, 2018 йилга келиб, "Онлайн-суд" барча суд ҳаракатларининг қарийб 70 фоизини онлайн режимда қайта ишлай оларди (фақат хўжалик масалалари бўйича эмас). Ҳозирча шу билан экскурсияни тамомлаймиз. Янги Жанубий Уэльс штати судларининг онлайн-хизматларни кенгайтириш ва автоматлаштирилган тизимлари ҳамда таклифларини доимо ўзгартириш ва такомиллаштириш бўйича ҳали кўп режалари бор (Д'Элия 2018). Сингапур, Жанубий Корея ва Норвегияда, суд жараёнларини автоматлаштириш борасида 15 йилдан ортиқ тажрибага эга давлатларда суд жараёнларини автоматлаштириш ва электрон хизматларни жорий этиш тарихи жуда ўхшаш.

Ушбу тажрибадан фойдаланиш автоматлаштириш жараёни пухта ўйланганига ва фойдаланувчилар эҳтиёжига асосланганига ишонч ҳосил қилиш Ўзбекистон учун яхши имкониятдир. Юқорида бир неча марта қайд этилганидек, ишларни бошқаришнинг аниқ принципларисиз, фойдаланувчилар томонидан маълумотлар киритилмаган ва шошилинч тартибда ўтказилган автоматлаштириш ҳеч қачон муваффақият келтирмайди. Амалда аксарият ҳолларда автоматлаштиришнинг етарлича аниқ режалаштирилмаган ва ахборот тўпламай ўтказилган жараёни умидсизлик ва катта харажатларга олиб келди ҳамда бир қатор давлатларда, шу жумладан, АҚШнинг бир қатор юрисдикцияларида кутилган натижани бермади (қаранг: Грамков ва Нузенблатт 2013).

[11] См. UzDaily 2017 йил 11 ноябрь. Қуйидаги манзил онлайн: https://www.uzdaily.com/articles-id-41573.htm

Аниқ режалаштирилган ва биргаликдаги иштирокка асосланган, суд ва унинг фойдаланувчиларига хизмат қиладиган ишларни бошқаришнинг аниқ ишлайдиган автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқишга доир ёндашувлар бешта етакчи давлатнинг кўпчилигида қўлланилмади. E-SUD тизими таркибига суд аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлар иштирокида ривожланишда давом этаётгани ижобий ҳолатдир. Бироқ ишчи гуруҳлар таркибига тижорат адвокатлари ва бизнес вакиллари каби судларнинг потенциал фойдаланувчилари кириши номаълум, бу эса, жуда муҳимдир.

Бугунги кунда дастлабки шикоятни ***электрон шаклда беришга*** 36 та давлатда, бешта етакчи давлатнинг барчасида ва Ўзбекистонда рухсат берилган. Бу даъво бериш жараёни учун зарур вақтни, шунингдек, агар даъвони электрон шаклда бериш ҳақи шахсан бериш ҳақидан ошмаса, адвокатга сарфланадиган харажатларни камайтириши хизмат қиладиган ижобий жиҳатдир. Айрим давлатларда даъвони электрон шаклда бериш қиймати электрон ҳужжат айирбошлашни рағбатлантириш учун амалда пасайтирилмоқда. Бу фойдали ғоядир, бироқ агар электрон шаклда берилган ҳужжатлардан судда тўлиқ фойдаланиш мумкин бўлса ва агар электрон шаклда бериш суд ходимларидан катта ҳажмдаги матнли маълумотларни ўз суд тизимларига қайта чоп этишни талаб қилмаса, фойдали ғоядир. Сингапур ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш борасида катта тажрибага эга давлатлар қаторига киради ва у 2015 йилга келиб, электрон суд ишини юритишнинг деярли тўлиқ тизимини жорий этди. Шуни қайд этиш муҳимки, судлардан фойдаланувчилар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, суд электрон суд жараёнларидан чекланган ҳолда фойдалана оладиганлар электрон шаклда даъволар бериши ва бошқа суд жараёнларини олиб бориши учун судда бундан фойдаланиш учун терминалларни таклиф қилди. Суд олдиндан тўланган карточкаларни сотиб олишга ҳам кўмаклашди, бу эса, кредит картаси бўлмаганларга тўловларни онлайн тарзда амалга ошириш имконини берди. Ушбу хизматлар аҳолининг камроқ таъминланган қатламлари учун муҳимдир.

***Суд хабарларини электрон шаклда етказиб бериш*** – яъни дастлабки чақирув элекрон почта, факс ёки СМС шаклда юбриш имконияти фақат 33 та давлатда мавжуд. Етакчи давлатларнинг учтаси, жумладан, Норвегия, Сингапур ва Корея қарорни / хабарни электрон шаклда топширишни таклиф қилади. Ўзбекистонда бундай имконият

мавжуд эмас ва бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки бу функциядан ҳозирча кам сонли давлатларда фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг 43-сонли тадбирида бу муаммони ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳақида сўз боради. Кўпчилик давлатларнинг қонун ҳужжатларида қарор / хабарни қабул қилувчи томон уни олганини исботлаши талаб қилинади, бунинг эса, ҳар доим ҳам техник жиҳатдан имкони йўқ. Кўпчилик давлатлар қарор / хабар компанияга юборилган ёки судда дастлабки тарзда рўйхатга олиниши талаб этилган тақдирдагина бундай вариантни таклиф қилади. Фаолият кўрсатувчи компанияда электрон почта, факс ёки электрон алоқанинг бошқа механизмлари бўлиши зарурлиги ҳақидаги тахмин одатда, қарор / хабарни электрон шаклда топшириш учун асос ҳисобланади. Шунингдек, оддий почта каби қарздор компания, агар хабар ходимлардан бирортаси томонидан қабул қилинган бўлса, даъвони олиши назарда тутилади. Шунга қарамай, иккала тахмин ҳам эълон қилинган суд қоидалари ёки қонун билан тартибга солиниши керак. Қонун ҳужжатлари айрим тўсиқларни енгиб ўтиши учун судлар фирмаларга судда қонуний рўйхатдан ўтишга рухсат бериши мумкин. Бу билан қарор / хабарни электрон шаклда олиш учун уларнинг дастлабки тарздаги розилиги олинади. Бунинг юридик жиҳатдан имкони бўлмаган ҳолларда судлар томонлар учун жавоб бериш вақтини камайтириш учун қоғоз шаклида оддий етказиб беришга қўшимча сифатида электрон вариантдан (почта ёки бошқа етказиб бериш хизматидан) фойдаланиши мумкин. Ўзбекистон бўйича ҳар қандай таклифлар бошқа мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши керак (қаранг: Грамков ва Эбейд 2016).

*“Бизнес юритиш”* тадқиқоти ахборотига кўра, 59 та давлатда рухсат берилган суд йиғимларини электрон шаклда тўлаш суд жараёнларини автоматлаштиришнинг энг кенг тарқалган функцияси ҳисобланади. Уни жорий этиш осонроқ ва у бешта давлатнинг барчасида ва Ўзбекистонда таклиф этилмоқда. Сингапурнинг компьютерлардан фойдаланиш имконияти чекланган ёки кредит картасига эга бўлмаганлар манфаатларини таъминлаш бўйича юқорида қайд этилган саъй-ҳаракатлари қизиқиш уйғотиши мумкин.

Контрактлар ижросини таъминлаш бўйича индикатор ҳақида сўз борганда, ***Тижорат ишлари бўйича суд қарорларини эълон қилиш*** қуйидаги иккита компонент бўйича баҳоланади: биринчиси, барча

даражалардаги судларнинг суд қарорларини эълон қилиш учун (махфийлик бўйича талаб мавжуд бўлган кичик даъволар ва ишлардан ташқари) ва иккинчиси, шикоят ва Олий суд даражасида тижорат суд қарорларини эълон қилиш учун мўлжалланган. Суд қарорларини албатта, электрон шаклда эълон қилиш шарт эмас ва бу катта ресурсларни талаб қилмайди, бироқ пухта ички ташкил этишни ва чуқур ўйланган ишлар таснифини талаб қилади. Иш бўйича қарорларни осон топиш учун улардан фойдаланиш имконияти бўлиши ва улар каталокка тартиб билан жойлаштирилган бўлиши керак. 44 та давлатда судлар Интернетда ёки ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган расмий нашрлар орқали тижорат ишлари бўйича деярли барча янги қарорларини эълон қилади. Бу амалиёт бешта етакчи давлатнинг барчасида ҳам мавжуд, бироқ ҳозирча Ўзбекистонда мавжуд эмас. Шунга қарамай, Олий суднинг тижорат ишлари бўйича қарорларини электрон шаклда эълон қилиш йўлга қўйилмоқда. (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 44-сонли тадбир).

***Қисқа ва ўртача муддатга мўлжалланган тавсиялар:*** Ўзбекистонда барча суд жараёнлари учун жорий этилган **ишларни бошқариш автоматлаштрилган тизимларининг** жорий функиялари тўғрисида батафсил ахборотсиз яхшилашга доир муфассал тавсияларни бериш қийин. Шунга қарамай, Ўзбекистондаги ишларни бошқаришга доир ёндашувлар ҳозирги вақтда етарлича ривожланмаганини ҳисобга олиб, қисқа муддатли истиқболда тизимни ишлаб чиқишга доир ушбу саъй-ҳаракатлар чиндан ҳам, қуйидагиларга асосланганини таҳлил қилиш зарур: а) ишларни бошқаришнинг етук амалиётлари; б) суд аппарати ходимларидан, судьялардан, суд статистлари ва тегишли техник ходимлардан иборат фойдаланувчилар гуруҳларининг ёндашувлари. Тизимдан адвокатлар ва бошқа томонлар ҳам фойдаланиши туфайли уларнинг фикрини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ишларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш учун ахборот тақдим этувчи ушбу фойдаланувчилар гуруҳлари АТ-ходимлари / пудратчилар билан биргаликда бутун суд жараёнини яқин келажакка режалаштирилган ишларни бошқаришнинг етакчи усуллари нуқтаи назаридан таърифлаши ва қайта кўриб чиқиши керак. Бу аллақачон автоматлаштирилган соҳаларда ҳам, масалан, ***электрон шаклда ҳужжатларни бериш ва бож тўлаш*** соҳаларида ўзгаришларни амалга ошириш бўйича таклифлар пайдо бўлишига олиб келиши

мумкин. Ҳозирги пайтда бу икки соҳа кўриб чиқиш учун устувор соҳа ҳисобланмайди, бироқ аввал қайд этилганидек, адвокатлар ва, охир-оқибат, бошқа томонлар даъво беришда ўз маълумотларини тўғридан-тўғри киритиши, сўнгра ушбу маълумотлар суднинг ички тизимига ўтказилиши ва шу тариқа суд аппарати ходимлари ахборотни такроран жорий этиши заруратини чеклаши учун ҳужжатлар электрон шаклда онлайн юборилгандагина уларни электрон тарзда тақдим этиш тўлиқ фойда беради. Ўртача муддатли истиқболда судларда терминаллардан фойдаланиш имконияти яратилиши лозим. Шунингдек, агар электрон тарзда берилган ҳужжатлардан ўз корхонаси ёки уйида фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар ёки зарур технологияларга эга бўлмаганлар учун зарур бўлса, маълумотларни киритишда ёрдам бера оладиган ходим бўлиши керак. Қайд этилганидек, суд хабарларини ***электрон шаклда тўлиқ етказиб бериш*** қарорни/хабарни электрон шаклда топшириш билан боғлиқ кўплаб юридик ва амалий қийинчиликлар туфайли кўпчилик давлатларда фойдаланиладиган функция ҳисобланмайди. Қисқа муддатли истиқболда дастлаб Тошкентда, сўнгра бутун Ўзбекистонда имкони бўлган вариантларни баҳолаш узоқ муддатли истиқболда натижа берадиган ечимларни ишлаб чиқиш учун биринчи катта қадам ҳисобланади.

Илғор амалиёт тўғрисидаги қайд этилган ҳисоботда баён қилинган бошқа давлатларнинг тажрибаси ва илғор амалиётлари (Грамков ва Эбейд 2016) қонун ҳужжатларига навбатдаги ўзгартишлар киритиш тавсия этилишидан ва жорий этиш бўйича бирор-бир саъй-ҳаракатлар кўрилишидан олдин фақат рўйхатдан ўтган томонлар учун электрон хизмат кўрсатиш, фақат захира хизмати сифатида электрон хизмат кўрсатиш каби турли вариантларни баҳолашда фойдали бўлиши мумкин.

**Суд қарорларини эълон қилиш *ҳақида сўз борганда***, Ўзбекистон Олий суд қарорларини эълон қилишдан бошлаб тўғри қадам ташламоқда. Аввал кўрсатилганидек, самарали қидириш (қўлда ёки электрон шаклда) имконини берадиган таснифлашнинг яхши тизими ва рўйхатга олиш тартиби ишлаб чиқилиши бу ишда энг муҳим қадам ҳисобланади. Ҳозирги вақтда булар борми-йўқми номаълум, агар йўқ бўлса, қисқа муддатли истиқболда биринчи муҳим қадам бўлади. Етакчи давлатларда бундай тизимларга хос бой тажриба тўпланган, уларни Ўзбекистон осонгина ўз эҳтиёжларига мослаштириб олиши

мумкин. Кўпинча таснифлашнинг айрим тизимлари маҳаллий ахборотномалардан фойдаланиш учун мавжуддир, бироқ электрон тизимлар излаш имконияти ҳисобга олиши зарур бўлган бошқа талабларни қўяди. Суд қарорлари эълонларининг пухта электрон тизими лойиҳасида таркибига судьялар, бизнес-юристлар ва ҳуқуқ ўқитувчилари кирадиган фойдаланувчилар гуруҳларининг фикрини тўплаш ҳамда акс эттириш муҳимдир. Улар одатда, бундай ахборотнинг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади. Бу Ўзбекистон учун суд қарорларини эълон қилишнинг электрон тизимини ишлаб чиқишга доир ўртача муддатли саъй-ҳаракатлар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин, ушбу тизим вақт ўтиши билан бошқа даражалардаги судларга ҳам тадбиқ этилиши мумкин.

**9-жадвал: Контрактлар ижросини таъминлаш,**
**“Бизнес юритиш 2019”, Етакчи мамлакатлар ва Ўзбекистон:**
**Суд жараёнлари сифати индекси: Судлар автоматлаштирилиши**

| Мамлакат | Суд жараёнлари сифати индекси (0-18) | Суд ишини автоматлаштириш (0-4) | 1. Дастлабки шикоят тегишли юрисдикция судида махсус платформа орқали электрон шаклда берилиши мумкинми? | 2. Тегишли юрисдикция судига берилган даъволар бўйича суд хабарларини электрон шаклда бериш мумкинми? | 3. Тегишли юрисдикция судида суд йиғимларини электрон шаклда тўлаш мумкинми? | 4.a Барча даражалардаги судлар томонидан тижорат даъволари бўйича чиқарилган қарорлар расмий нашрларда, газеталарда ёки Интернетда эълон қилинадими? | 4.b. Шикоят ёки Олий суд даражасида тижорат даъволари бўйича чиқарилган қарорлар расмий нашрларда, газеталарда ёки Интернетда эълон қилинадими? |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Австралия | 15,5 | 3,0 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Қозоғистон | 16,0 | 3,0 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Норвегия | 14,0 | 4,0 | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Сингапур | 15,5 | 4,0 | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Корея Республикаси | 14,5 | 4,0 | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| Ўзбекистон | 6,0 | 2,0 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Йўқ | Йўқ |

Манба: “Бизнес юритиш” тадқиқотининг тарихий манбалари, Контрактлар ижросини таъминлаш, уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

## 2. Низоларни муқобил ҳал қилиш (АРС)

*"Бизнес юритиш"* тадқиқотининг контрактлар ижросини таъминлаш бўйича кўрсаткичлари анъанага кўра, маҳаллий суд тизими орқали низолар ҳал этилишини ўлчар эди, бироқ кейинги йилларда низоларни муқобил ҳал қилиш механизмлари (АРС), жумладан, ҳакамлик суди, ихтиёрий медиация ва ярашиш механизмлари диққат марказида бўлмоқда.

АРС анъанавий суд текшируви ўрнини босмайди, балки у низоларни ўз вақтида, иқтисодий жиҳатдан самарали ва очиқ-ошкора ҳал этишда томонлар ва судларга ёрдам бериши мумкин бўлган воситадир.

2018 йилда сўров ўтказилган деярли барча давлатлар (185) низоларни ҳал қилиш механизми сифатида АРС'ни эътироф этган. Аксарият давлатлар (176) медиация ёки яраштиришни хам тан олади. Бу бешта етакчи давлатга ва Ўзбекистонга таалуқли ҳолатдир.

Бу кўрсаткич АРС билан боғлиқ иккита илғор амалиётни ҳисобга олади, улар учун кўпи билан 3 балл олиш мумкин:

- Тижорат ҳакамлик судининг борлиги, у а) қонун билан тартибга солинади, агар б) бирор-бир тижорат низолари ушбу нормалардан чиқариб ташланса, бу баллни камайтиради ва агар с) ҳақиқий ҳакамлик суди қарорлари ижро этилса.
- Агар ихтиёрий медиация ёки келишиш тартиб-таомилидан а) фойдаланиш мумкин бўлса ва b) қонун билан тартибга солинса ҳамда с) воситачилик ёки келишиш тартиб-таомилларидан фойдаланиш учун молиявий рағбатлантирувчи омиллар мавжуд бўлса.

Бешта етакчи давлатнинг барчаси 2,5 ёки 3 балл олди, Ўзбекистон эса, 1,5 балл олди.

***Ҳакамлик суди*** ҳақида сўз борганда, Ўзбекистонда бунинг учун ҳозирда ижрони таъминлаш механизми мавжуд эмас. Афсуски, бу ҳолат ҳар қандай ҳакамлик суди фаолиятини самарасиз қилади ва тадбиркорлар ҳамжамияти томонидан унинг фойдаланилишига тўсқинлик қилади. Етакчи давлатларнинг барчаси ушбу тизимни тан олади ҳамда ҳакамлик судлари битим ва шартномалари ижросини тўлиқ таъминлайди. Одатда, агар ҳакамлик суди битимлари қўллаб-қувватлан-

маса ёки ижроси таъминланмаса, кичик компаниялар зарар кўради. Халқаро даражада фаолият кўрсатувчи йирик компаниялар халқаро ҳакамлик суди битимларини қўллайди. Улар устидан, қоида тариқасида, Лондон, Гонконг ёки халқаро даражада эътироф этилган бошқа ҳакамлик суди марказларида баҳс ўтказилади. Шундай қилиб, маҳаллий фирмалар, агар маҳаллий ҳакамлик суди битимлари ижроси таъминламаса, ютқазади. Битимларнинг ижро этилмаслик сабабларини баҳолаш – буни ўзгартириш томон қўйилган биринчи қадамдир. Бунинг устига қўшимча ахборотсиз қўшимча тавсия тақдим этиш имконияти йўқ. Ҳакамлик суди ҳуқуқини қўллаш бўйича жорий саъй-ҳаракатларни кузатиш мумкин холос. Айниқса, Қозоғистонда кейинги йилларда ижро тизимига ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистонда бешта етакчи давлатда бўлгани каби ***ихтиёрий медиация ва келишув асосида тартибга солиш*** мавжуд эканлиги ижобий ҳолатдир. Хабар берилишича, Ўзбекистонда уни амалга ошириш тавсифланган умумий қонун ёки фуқаролик процессуал кодекси боби етишмайди. Албата, бу ўта аянчли ҳолдир, чунки у эҳтимол, бундай вариантлардан чекланган ҳолда ва нотенг фойдаланишга олиб келади. Бешта етакчи давлатнинг барчаси ушбу соҳани самарали тартибга солиш ва амалга оширишга эътибор қаратади. Бу биринчи навбатда ҳал этиладиган вазифа ҳисобланади, чунки у суд жараёнларининг қонуний муддатда ўтказилишига жиддий таъсир кўрсатиши ҳамда аксарият кичик бизнес субъектлари ва даромади даражаси паст бўлган, бугунги кунда одатда, судга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлмаган томонларга фойда келтириши мумкин.

***Алоҳида эътибор қаратиш талаб этиладиган соҳалардан бири бу воситачилик ёки яраштиришдан фойдаланиш учун молиявий рағбатлантирувчи омилларни*** жорий этишдир. "Бизнес юритиш — 2019" маърузасида қайд этилишича, бундай ёндашув Қозоғистон ва Кореяда қўлланилади (Норвегияда эса, масалан, медиацияни қўллаш даъво беришдан олдинги мажбурий ҳисобланади). Қайси вариант Ўзбекистонда яхшироқ самара бериши кўп жиҳатдан медиация ёки яраштириш Тошкент ва бошқа вилоятларда тижорат ишларини кўриб чиқишда қанчалик яхши қўлланишига боғлиқ бўлади. Ҳозирда уларнинг ҳеч биридан фойдаланиш имконияти йўқлиги боис бу кўрсаткич учун фақат қисқа муддатли тавсиялар бериш мумкин.

***Қисқа муддатли ва ўртача муддатли тавсиялар:*** АРС'нинг икки варианти камчиликларни аниқлаш мақсадида ҳам ҳакамлик суди, ҳам воситачилик учун (ва юқорида қайд этилганидек, умуман суд ҳал қилув қарорлари учун) жорий ижро жараёнини қайта кўриб чиқиш биринчи муҳим қадам бўлади. Бундай қадам натижалари бўйича нафақат ижро жараёнларини ўзгартиришга эътибор қаратадиган, балки самарадорликни ошириш чораларини ўз ичига оладиган бир қатор ўзгаришлар ишлаб чиқиш керак. Улар қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади: ўз вақтидалик, муваффақиятли қарорлар сони, қаноатлантириш даражаси, самарадорликни кузатиш учун маълумотлар тўплаш, кузатиш механизми, ижро хизматлари ходимларини ўқитиш ва жамоатчиликни ўз ҳуқуқлари, тизим қандай ишлаши кераклиги ва агар ижро асослантирилган муддатларда тугамаса ёки томонларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда ижро этилса, қаерга шикоят билан мурожаат қилиш тўғрисида хабардор қилиш (қаранг: Грамков 2014). Қозоғистоннинг тегишли органлари томонидан ушбу жараёнлар қандай тартибда бошқарилганини аниқлаш мақсадида улар билан алоқа ўрнатиш тавсия этилади. Буни қисқа муддатли истиқболда амалга ошириб бўлмайди, бироқ яқин орада бошлаб, сўнг ўртача муддатли истиқболда якунлаш мумкин. Бу тадбирларни яқин орада амалга ошириш жуда муҳимдир, чунки ижронинг таъминланмаслиги ҳакамлик суди ва воситачиликнинг самарасизлигига сабаб бўлади, томонларнинг уларга бўлган ишончига путур етказади ва оддий суд жараёнларида ижрони таъминлашда муаммолар мавжуд эканини кўрсатади. Бу яқин орада бартараф этилиши лозим бўлган жиддий камчиликлардир.

Қонун ҳужжатларига медиация ва / ёки яраштиришни жорий этишга доир ўзгартишларни киритишни таклиф этишда иштирок этиш қисқа муддатли истиқболдаги бошқа муҳим ҳаракат ҳисобланади. Бу саъй-ҳаракатлар воситачиликдан / яраштиришдан ихтиёрий фойдаланувчилар учун молиявий рағбатлантирувчи омилларни тақдим этиш қоидаларини ўз ичига олиши керак. Ўртача муддатли саъй-ҳаракатлар кутилаётган қонун ҳужжатларини жорий этишга доир саъй-ҳаракатлардан сўнг амалга оширилади.

Ушбу саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятли амалга оширилганига қараб ижрони таъминлаш жараёнларини автоматлаштириш билан уларни қўллаб-қувватлаш, буйруқ ва хабарлар автоматик берилишини таъминлаш, ишларни, муддатларни кузатиш учун маълумот-

ларни тўплаш ва ижро натижалари *ўртача муддатли ва узоқ муддатли тадбирлар* бўлади.

**10-жадвал: Контрактлар ижросини таъминлаш рейтинга «Бизнес юритиш — 2019»: Етакчи мамлакатлар ва Ўзбекистон: Суд жараёнлари сифати индекси: Низоларни муқобил ҳал қилиш**

| Мамлакат | Суд жараёнлари сифати индекси (0-18) | Низоларни муқобил ҳал қилиш (0-3) | 1.a. Ички ҳакамлик суди умумий қонун ёки умумий боб ёхуд унинг деярли барча жиҳатларини қамраб олувчи қўлланадиган фуқаролик процессуал кодекс бўлими билан тартибга солинадими? | 1.b. Ҳакамлик судига бериш мумкин бўлмаган жамоат тартибига ёки давлат сиёсатига тааллуқли бўлган тижорат низоларидан бошқа тижорат низолари борми? | 1.c. Ҳақиқий ҳакамлик судлари битимлари ва шартномалари одатда судлар томонидан ижро этилмоқдами? | 2.a. Ихтиёрий воситалик ёки яраштиришдан фойдаланиш имконияти борми? | 2.b. Воситачилик, яраштириш ёки иккаласи умумий қонун ёки умумий боб ёхуд унинг деярли барча жиҳатларини қамраб олувчи қўлланадиган фуқаролик процессуал кодекс бўлими билан тартибга солинадими? | 2.c. Томонлар низони воситачилик ёки яраштириш орқали ҳал қилишга уриниши учун бирор-бир рағбатлантирувчи омиллар борми (масалан, агар воситачилик ёки келишув асосида яраштириш муваффақиятга олиб келса, ариза берганлик учун суд йиғимлари, даромад солиғи бўйича солиқ кредити ёки бошқа шунга ўхшаш харажатлар қоплаб бериладими)? |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Австралия** | 15,5 | 2,5 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Йўқ |
| **Қозоғистон** | 16,0 | 3,0 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| **Норвегия** | 14,0 | 2,5 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Йўқ |
| **Сингапур** | 15,5 | 2,5 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Йўқ |
| **Корея Республикаси** | 14,5 | 3,0 | Ҳа | Йўқ | Ҳа | Ҳа | Ҳа | Ҳа |
| **Ўзбекистон** | 6,0 | 1,5 | Ҳа | Йўқ | Йўқ | Ҳа | Йўқ | Йўқ |

Манба: "Бизнес юритиш" тадқиқотининг тарихий манбалари, Контрактлар ижросини таъминлаш, уларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: http://www.doingbusiness.org/en/data

## Библиография

Д'Элия, Кэтрин. 2018. Судларнинг рақамли ислоҳоти, Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатининг Адлия департаменти. Қуйидаги манзилда онлайн: https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/761376/NEW_SOUTH_WALES.pdf

Грамков, Хейке П. ва Омния Эбейд. 2016. Судлар учун ижобий амалиётлар: Суднинг яхши фаолияти учун фойдали элементлар ва Жаҳон банки суд жараёни сифати кўрсаткичи. Жаҳон банки, Вашингтон, Колумбия округи.

Грамков, Хейке П. ва Омния Эбейд. 2016. "Майда тортишув судларини ташкил этиш ва одил судлов тизимида хизматлар кўрсатишга унинг таъсири", 2016 йил 15 март, Just Development, Жаҳон банки, Вашингтон, Колумбия округи.

Грамков, Хейке П. ва Омния Эбейд. 2016b. "Жанубий Кореянинг адлия спекторида хизматлар кўрсатишни яхшилаш учун технологиялардан фойдаланиш", 2016 йил 1 март, Just Development, Жаҳон банки, Вашингтон, Колумбия округи.

Грамков, Хейка П. 2014. "Ижро ҳаракатлари самарадорлиги мониторингининг ва суд маслаҳатчилари ишини баҳолашнинг етук амалиётлари". Ўтиш даврдиаги қонун 2014 - ЕТТБ

Хейке П. Грамков ва Валери Нуссенблатт. 2013. "Иш оқимларини бошқариш: Муҳим принциплар ва уларни қўллаб-қувватлаш учун тизимлар". Justice & Development, 23/2013 ишчи ҳужжат, ҳуқуқий масалалар бўйича вице-президент, Жаҳон банки, Вашингтон, Колумбия округи.

Лоранж Бакер, Инж. Норвегия фуқаролик жараёни исоҳоти. Норвегия судларининг қуйидаги манзили бўйича веб-сайти: https://www.domstol.no/globalassets/upload/da/internett/domstol.no/aktuelt/backer.pdf

Малик, Валид Хайдер. 2007. Сингапурда суд тизими ислоҳоти: тузилма, стратегиялар ва дарслар (инглизча). Тараққиёт йўналишлари. Вашингтон, Колумбия округи: Жаҳон банки. http://documents.worldbank.org/curated/en/641511468300664743/Judiciary-led-reforms-in-Singapore-framework-strategies-and-lessons

Мастерс, Кертис. 2015. "2015: Қозоғистонда суд ислоҳотлари йили", "Қозоғистон" ишбилармонлар журналида, 2-сон. 2015. Қуйидаги манзилда онлайн: http://www.investkz.com/en/journals/97/809.html

Макклеллан. 2010. "Фуқаролик адлияси ислоҳоти – у нимага эришди?". New South Wales Judicial Scholarship, №. 5.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПҚ–3852-сон қарори. Тошкент, Ўзбекистон.

Жаҳон банки. 2018. "Бизнес юритиш 2019" маърузаси. Вашингтон, Колумбия округи.

## 1-1-илова: Кўрсаткични аниқлаш методологияси “Бизнес юритиш” рейтингининг контрактлар ижросини таъминлаш

### Тижорат низосини ҳал қилиш самарадорлиги

Вақт ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлар тижорат низоси ривожлангани сайин босқичма-босқич тўпланади (2-расм). Маълумотлар қуйида таърифланган иш бўйича таклифларга мувофиқ ҳар бир қамраб олинадиган шаҳар бўйича муайян суд учун тўпланади. “Тегишли юрисдикция суди” — бу қийматга қараб аҳоли жон бошига даромаднинг 200 фоизи ёки 5000 АҚШ долларини ташкил этадиган низоларга нисбатан юрисдикцияга эга бўлган суд. Биттадан ортиқ суд ўрганиши учун стандартлаштирилган ишга тенг иш бўйича бошланғич юрисдикцияга эга бўлса, маълумотлар кўпчилик ҳолларда томонлар тарафидан фойдаланадиган суд учун тўпланади. Ҳар бир мамлакатдаги тегишли суднинг номи қуйидаги манзил бўйича “Бизнес юритиш” веб-сайтида эълон қилинади: http://www.doingbusiness.org/data/exploretopics/enforcing-contracts. Иш фаоллиги ҳажми бўйича иккинчи даражали шаҳарга доир маълумотлар тўпланадиган 11 та давлат учун ҳам ушбу шаҳардаги тегишли суд номи кўрсатилади.

**2-расм – Суд орқали тижорат низосини ҳал қилиш учун қанча вақт ва маблағ сарфланади?**




### Иш бўйича таклифлар

- Даъво қиймати қайси бири кўплигига қараб мамлакатдаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 200 фоизи ёки 5000 АҚШ долларига тенг.

- Низо икки корхона (Сотувчи ва Харидор) ўртасидаги қонуний битимга тааллуқли, иккаласи мамлакатдаги ишбилармонлик энг фаол бўлган шаҳарда жойлашган. 11 та давлат учун ҳам иш фаоллиги ҳажми бўйича иккинчи даражали шаҳарга оид маълумотлар тўпланади. Корхона ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Сотувчи Харидорга қайси бири кўплигига қараб мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 200 фоизи ёки 5000 АҚШ доллари миқдоридаги буюртма учун тайёрланган жиҳозни сотади. Сотувчи Харидорга товарни етказиб бергач, Харидор товар тегишли сифатда эмаслигини таъкидлаб, контракт нархини тўлашдан бош тортади. Товар буюртма учун тайёрлангани боис Харидор уни бошқа бировга сота олмайди.
- Сотувчи (даъвогар) олди-сотди шартномаси бўйича суммани ундириш тўғрисида Харидорга (жавобгарга) қарши даъво қўзғатади. Низо ишбилармонлик фаоллиги энг юқори бўлган шаҳарда жойлашган, ихтиёрида  қайси бири кўплигига қараб мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 200 фоизи ёки 5000 АҚШ доллари миқдоридаги тижорат ишлари бўлган судга берилади. Аввал қайд этилганидек, 11 та давлат учун ҳам иш фаоллиги ҳажми бўйича иккинчи даражали судга оид маълумотлар тўпланади.
- Низонинг бошида Харидор Харидорнинг кўчириладиган мулкини (масалан, офис ускунаси ва транспорт воситаларини) хатлашга қарор қилади, чунки Сотувчи Харидор ўз активларини яшириши ёки бошқача тарзда тўлай олмайдиган бўлиб қолишидан хавфсирамоқда.
- Даъво юзасидан моҳиятига кўра, тортишув кетмоқда, чунки Харидор товарнинг сифати тегишли даражада эмас, деб таъкидламоқда. Суд фақатгина ҳужжатлардан иборат далиллар ёки юридик ҳуқуқ асосида ишни ҳал қила олмаслиги боис товар сифати бўйича эксперт баҳо берилади. Агар ўзининг шахсий гувоҳ-экспертини чақириш мамлакатда одатий амалиёт ҳисобланса, томонларнинг ҳар бири битта гувоҳ экспертни чақиради. Агар судья учун мустақил экспертни тайинлаш одатий амалиёт бўлса, судья буни амалга оширади. Бу ҳолда судья эксперт кўрсатмаларини инкор қилишга йўл қўймайди.
- Экспертнинг хулосаси олингач, судья Сотувчи томонидан тақдим этилган товар тегишли сифатга эга эканлиги ва Харидор унга контракт нархига мувофиқ ҳақ тўлаши лозимлиги ҳақида қарор қабул қилади. Шундай қилиб, судья Харидор фойдасига 100 фоизлик ҳал қилув қарорини чиқаради.
- Харидор қарор устидан шикоят қилмайди. Сотувчи қонунда шикоят бериш учун белгиланган муддат тугаши билан суднинг ҳал қлув қарорини ижрога қаратади.

- Сотувчи қарорнинг тезкорлик билан ижро этилиши учун барча зарур чораларни кўради. Харидорнниг кўчириладиган мол-мулкини (масалан, офис ускунаси ва транспорт воситаларини) кимошди савдосида сотиш орқали пул муваффақиятли тарзда ундириб олинади. Харидорнинг ўз банк ҳисоб рақамида маблағ йўқ, шунинг учун суднинг ҳал қилув қарорини Харидорнинг ҳисоб рақамини хатлаш орқали ижро этиб бўлмайди, деб тахмин қилинади.

**Вақт**

Вақт Харидор судга даъво беришга қарор қилган пайтдан бошлаб ҳақ тўланган давргача календарь кунларида рўйхатга олинади. Унга ҳаракатлар амалга ошириладиган кунлар ҳам, улар ўртасидаги кутиш даврлари ҳам киритилади. Низони ҳал қилишнинг қуйидаги учта турли босқичининг ўртача муддати қайд этилади: (i) даъво бериш ва суд хабарларини топшириш; (ii) суд текшируви ва суднинг ҳал қилув қарори; ва (iii) ижро. Вақт юқорида батафсил баён этилган ўрганиш учун иш бўйича таклифларни ҳисобга олган ҳолда қайд этилади ва тегишли фақат юрисдикция судига нисбатан татбиқ этилади. Агар аксарият ҳолларда қонунда белгиланган муддатларга риоя қилинмаса, ушбу муддатлардан қатъи назар ҳақиқатда сарфланган вақт рўйхатга олинади.

Даъво бериш ва суд хабарларини топшириш босқичи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Харидор суд текширувини талаб қилмайдиган талаб ёзилган хат орқали суддан ташқари ҳақ олишга ҳаракат қилиши лозим бўлган вақт, шу жумладан, хат тайёрлаш учун вақт ва риоя этиш учун Харидорга берилиши керак бўлган сўнгги муддат.
- Дастлабки шикоятни ёзиш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча тасдиқловчи ҳужжатларни тўплаш, шу жумладан, агар зарурат бўлса, тасдиқлаш ёки нотариал тасдиқлаш учун маҳаллий адвокатга мурожаат этишга сарфланадиган вақт.
- Судга даъво тақдим этиш учун сарфланадиган вақт.
- Харидорга қарор / хабарни топшириш учун зарур бўлган вақт, шу жумладан, судда низони қайта кўриб чиқишга сарфланган вақт ва агар, қоида тариқасида, низони бир неча марта кўриб чиқиш зарур бўлса, муваффақиятсиз кўриб чиқишлар ўртасидаги кутиш даври.

Суд текшируви ва суднинг ҳал қилув қарори босқичи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Харидорга қарор / хабар топшириш даври ва суддан олдинги кенгаш ўтказиш даври ўртасидаги вақт (агар бундай суддан олдинги кенгаш тегишли юрисдикция суди томонидан қўлланиладиган ишларни бошқариш усулларининг бир қисми ҳисобланса).

- Суддан олдинги кенгаш ва биринчи эшитиш ўртасидаги вақт (агар бундай суддан олдинги кенгаш тегишли юрисдикция суди томонидан қўлланиладиган ишларни бошқариш усулларининг бир қисми ҳисобланса). Агар бундай бўлмаса, Харидорга қарор / хабарни топшириш даври ва биринчи эшитиш ўтказиш даври ўртасидаги вақт.
- Барча суд тартиб-томилларини ўтказиш, шу жумладан, материаллар ва далиллар алмашиш, бир нечта марта эшитиш ўтказиш учун сарфланган вақт, эшитиш ва эксперт хулосасини олиш ўртасидаги кутиш вақти.
- Далиллар тақдим этиш даври якунлангач, судья ёзма шаклда ҳал қилув қарори чиқариши учун зарур бўлган вақт.
- Шикоят бериш муддати.

Ижро этиш босқичи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Суд ҳал қилув қарорининг ижро кўчирма нусхасини олиш ва тегишли ижро хизматига мурожаат қилиш учун зарур бўлган вақт.
- Ютқазган томоннинг кўчмас мол-мулки жойлашган жойни аниқлаш, индентификациялаш, хатлаш ва ташиш учун зарур бўлган вақт (шу жумладан, агар қўллаш мумкин бўлса, суднинг хатлаш тўғрисидаги фармойишини олиш учун зарур бўлган вақт).
- Кимошди савдосини эълон қилиш, ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган вақт. Агар кўпчилик ҳолларда ўрганиш учун стандартлаштирилган ишга тенг ишда даъвонинг тўлиқ қийматини олиш учун биттадан ортиқ кимошди савдоси ўтказиш талаб этилса, бир нечта кимошди савдолари ўртасидаги вақт қайд этилади.

### Харажатлар

Харажатлар даъво суммасининг фоизларида ўлчанади, у қайси бири кўплигига қараб мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 200 фоизи ёки 5000 АҚШ долларига тенг бўлиши тахмин қилинади. Харажатларнинг учта тури қайд этилади: адвокатларнинг ўртача тақдирланиши, суд харажатлари ва ижро этиш учун сарфланадиган харажатлар.

Адвокатларнинг ўртача тақдирланиши — бу гонорарлар бўлиб, у адвокат стандартлаштирилган ишда якуний қоплаб беришдан ташқари Сотувчи номидан қатнашиши учун Сотувчи (даъвогар) томонидан унга тўланиши керак.

Сотувчи (даъвогар) адвокат стандартлаштирилган ишда якуний қоплаб беришдан ташқари Сотувчи номидан қатнашиши учун маҳаллий адвокатга ҳақ тўлаши керак. Суд харажатлари барча харажатларни ўз ичига олади, уларни Сотувчи (даъвогар) ўзи сарфлаган харажатларнинг якуний суммасидан қатъи назар судда тўлаши керак. Суд харажатлари йиғимлардан иборат бўлиб, улар-

ни томонлар судга ёки экспертга тўғридан-тўғри тўланганидан қатъи назар, экспертнинг хулосасини олиш учун тўлаши керак. Ижро учун сарфланадиган харажатлар — бу Сотувчи сарфлаган харажатларнинг якуний суммасидан қатъи назар, Харидорнинг кўчириладиган мол-мулкини очиқ сотиш орқали суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш учун Сотувчи (даъвогар) сарфлаши талаб этиладиган харажатлардир. Поралар ҳисобга олинмайди.

### Суд жараёнларининг сифати

Суд жараёнлари сифати индекси ҳар бир давлат ўз суд тизимига қуйидаги тўрт соҳада бир қатор ижобий амалиётларни жорий этган ёки этмаганини аниқлайди: суд тизими ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси, суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги, судлар автоматлаштирилиши ва низоларни муқобил ҳал қилиш (11-жадвал).

**11-жадвал – Суд жараёнлари сифати кўрсаткичи нимани аниқлайди?**

| **Суд тизими ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси индекси (0-5)** |
|---|
| Ихтисослаштирилган тижорат суди борлиги ёки суд бўлинмаси (0-1,5) |
| Кичик низоли ишларга ихтисослашган суднинг борлиги ва / ёки кичик низоли ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартиб-таомили (0-1,5) |
| Мол-мулкни дастлабки хатлаш имконияти мавжудлиги (0-1) |
| Судьяларга ишларни тайинлаш мезонлари (0-1) |
| Хотин-қизлар кўрсатмаларининг намунали салмоғи (-1-0) |
| **Суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги индекси (0-6)** |
| Муҳим суд воқеалари учун стандартларни белгиловчи нормалар (0-1) |
| Кечиктириш ёки узайтириш нормалари (0-1) |
| Самарадорликни баҳолаш бўйича ҳисоботларнинг борлиги (0-1) |
| Суддан олдинги кенгашдан фойдаланиш имконияти (0-1) |
| **Судьялар учун ишларни бошқаришнинг электрон тизими мавжудлиги (0-1)** |
| Адвокатлар учун ишларни бошқаришнинг электрон тизими мавжудлиги (0-1) |
| Суди ишини автоматлаштириш индеки (0-4) |
| Дастлабки шикоятни электрон шаклда бериш имконияти (0-1) |
| Дастлабки шаклни электрон шаклда жўнатиш имконияти (0-1) |
| **Суд йиғимларини электрон шаклда тўлаш имконияти (0-1)** |
| Суднинг ҳал қилув қарорларини эълон қилиш (0-1) |
| Низоларни муқобил ҳал қилиш индекси (0-3) |
| **Ҳакамлик суди (0-1,5)** |
| Медиация ва / ёки яраштириш (0-1,5) |
| Суд жараёнлари сифати индекси (0-18) |
| Суд тизими ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси индекслари суммаси, суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги, судни автоматлаштириш ва низоларни муқобил ҳал қилиш |

### Суд тизими ва суд тартиб-таомиллари тузилмаси индекси

Суд иши тузилмаси ва тартиби индекси қуйидаги бешта компонентдан иборат:

- Фақат тижорат ишларини кўриб чиқиш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган тижорат суди, бўлинма ёки бўлим мавжудми? Агар мавжуд бўлса, 1,5 балл берилади; агар мавжуд бўлмаса, 0 балл берилади.
- Кичик низоли ишларни ҳал қилувчи суд ёки кичик низоли ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартиб-таомили мавжудми? Агар бундай суд ёки тартиб-таомил мавжуд бўлса, улар барча фуқаролик ишларига қўлланилса, ва қонун ушбу суд ёки тартиб-таомил орқали кўриб чиқиладиган даъволар қиймати доирасини белгиласа, 1 балл берилади. Агар ушбу суд соддалаштирилган тартиб-таомилни қўлласа ёки кичик низоли ишлар учун тартиб-таомиллар соддалаштирилган бўлса, фақат шунда балл берилади. Агар ушбу судда ёки ушбу тартиб-таомилни қўллашда томонлар мустақил вакил сифатида иштирок этиш имкониятига эга бўлса, қўшимча 0,5 балл берилади. Агар кичик низоли ишларни ҳал этишга мўлжалланган судлар фаолияти йўлга қўйилмаган ёки тезлаштирилган тартиб-таомиллар жорий этилмаган бўлмаса, 0 балл берилади.
- Агар активлар юрисдикциядан олиб чиқиб кетилса ёки бошқача тарзда сарфлаб юборилса, даъвогарлар жавобгарнинг кўчириладиган мол-мулки дастлабки тарзда хатланишини қўлга киритиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, 1 балл берилади; агар мумкин бўлмаса, 0 балл берилади.
- Ишлар тегишли юрисдикция суди судьялари орасида тасодифий ва автоматик тақсимланадими? Агар ишлар тасодифий ва автоматик тақсимланса, 1 балл берилади; агар автоматик эмас, балки тасодифий тақсимланса, 0,5 балл берилади; агар тақсимлаш жараёни тасодифий хусусиятга эга бўлмаса ва автоматлаштирилмаган бўлса, 0 балл берилади.
- Аёлларнинг суддаги кўрсатмалари эркаклар кўрсатмаларига тенгми? Агар қонунда исталган фуқаролик ишида, шу жумладан, оилавий ишларда аёллар ва эркаклар кўрсатмаларининг далил-исбот қиймати ўртасида фарқ бўлса, 1 балл берилади; ва бундай бўлмаса, 0 балл берилади.

Индекс – 1 баллдан 5 баллгача ўзгариб туради. Бунда юқорироқ қийматлар суднинг мураккаб ва мақбуллаштирилган тузилмасини кўрсатади. Масалан, Босния ва Герцеговинада ихтисослаштирилган тижорат суди мавжуд (1,5 балл) ва кичик низолар ўзини ўзи вакил қилиш мумкин бўлган махсус бўлинма орқали ҳал этилиши мумкин (1,5 балл). Даъвогарлар суд текшируви

вақтида жавобгарнинг кўчмас мулки сарфлаб юборилишидан хавфсираётган бўлса, ушбу мулкнинг олдиндан хатлаб қўйилишига эришиши мумкин (1 балл). Ишлар уларни бошқаришнинг электрон тизими ёрдамида тасодифан тайинланади (1 балл). Аёлларнинг суддаги кўрсатмалари эркаклар кўрсатмаларига тенг (0 балл). Ушбу рақамлар қўшилса, суд тузилмаси ва иш тартиби индекси бўйича Босния ва Герцеговина учун 5 баллни қўлга киритамиз.

### Суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги индекси

Суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги индекси қуйидаги олтита компонентдан иборат:

- Амалдаги муайян қонун ёки фуқаролик суд иши юритуви нормалари ҳеч бўлмаса, қуйидаги учта суд воқеаси учун вақт стандартларига эгами: (i) суд хабарларини топшириш; (ii) биринчи эшитиш; (iii) ҳимоя тўғрисида ариза бериш; (iv) далил-исботлар тақдим этиш муддати тугаши; (v) эксперт томонидан кўрсатмалар бериш; ва (vi) узил-кесил қарор тақдим этиш. Агар бундай вақт стандартлари мавжуд бўлса ва 50 фоиздан ортиқ ҳолатда уларга риоя этилса, 1 балл берилади; агар улар мавжуд бўлса, лекин уларга 50 фоиздан ортиқ ҳолатда риоя этилмаса, 0,5 балл берилади; ва агар вақт стандартлари учтадан кам муҳим суд воқеаси ёки уларнинг ҳеч бири учун мавжуд бўлса, 0 балл берилади.
- Тақдим этиладиган кечиктириш ёки узайтиришларнинг энг кўп сонини тартибга солувчи бирор-бир қонун мавжудми, қонунда фақат кутилмаган ва фавқулодда ҳолатлар туфайли кечиктириш тақдим этиш учун чеклов борми ҳамда 50 фоиздан ортиқ ҳолатда ушбу қоидаларга риоя этиладими?! Агар барча учта шарт бажарилса, 1 балл берилади; агар учта шартдан фақат иккитаси бажарилса, 0,5 балл берилади; ва шартлардан фақат биттаси бажарилган бўлса ёки бирортаси ҳам бажарилмаган бўлса, 0 балл берилади.
- Тегишли юрисдикция суди фаолияти мониторингини олиб бориш, суддаги ишларнинг боришини кузатиш ва белгиланган вақт стандартларига риоя этилишини таъминлаш учун ушбу суд самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳамма учун очиқ бўлган бирор-бир ҳисобот борми? Агар қуйидаги тўртта ҳисоботдан ҳеч бўлмаса, иккитаси ҳамма учун очиқ бўлса, 1 балл берилади: (i) кўриб чиқиш муддати тўғрисида ҳисобот (суд иш бўйича қарорни кўриб чиқиш / қабул қилиш учун сарфлайдиган вақт ўлчови); (ii) ишларни қайта кўриб чиқиш тезлиги тўғрисида ҳисобот (ишлар сонига нисбатан суднинг ҳал қилув қарори мавжуд бўлган ишлар сонини ўлчаш); (iii) кўриб чиқилиши кутилаётган ишларнинг ўртача муддати

тўғрисида ҳисобот (ишнинг типи, муддати, охирги ўтказилган ҳаракат ва кейинги режалаштирилган ҳаракат бўйича кўриб чиқилиши кутилаётган барча ишлар тўғрисида ахборот тақдим этиш); ва (iv) айрим ишни кўриб чиқиш жараёни тўғрисида ҳисобот (муайян ишнинг жорий мақоми). Агар ҳисоботлардан бири очиқ бўлса ёки бирортаси очиқ бўлмаса, 0 балл берилади.

